

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

***САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ***

**«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛЬТЕТИ**

**«БАНК ВА ЖАМҒАРМА ИШИ» КАФЕДРАСИ**

**«Химояга тавсия этилган»**

**Кафедраси мудири, доц.**

**Ниёзов З.Д.**

**(имзо)**

**«Банк иши» таълим йўналиши**

**БИ-106 гуруҳ талабаси Бўтаев Давроннинг**

**«ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ – ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ  
ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО ХИСОБ-  
КИТОБЛАРНИНГ ШАҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ  
КУЛЛАНИЛИШИ.» (ОАТ «ТУРОНБАНК» Самарқанд  
вилояти бўлими мисолида) мавзусида бажарган**

# ***БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ***

**Илмий раҳбар:**

**Катта ўқитувчи.Ф.М. Даминов**

**Самарқанд 2010**

# **МАВЗУ: ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ – ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ХАЛҚАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИНГ ШАКЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КУЛЛАНИЛИШИ.**

## **КИРИШ.**

### **I БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ҲИСОБ – КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИ.**

1.1. 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни

1.2. Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб – китоблари шакллари ва уларнинг моҳияти.

1.3. Тижорат банклари халқаро ҳисоб – китоб операцияларининг ҳужжатли инкассо ва аккредит шаклида муомилаларни амалга оширилиши тартиби

### **II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХАЛҚАРО ҲИСОБ – КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ.**

2.1 Тижорат банклари томонидан мижозларга халқаро ҳисоб – китоб операциялари хизматини кўрсатиш процедураси.

2.2 Тижорат банки томонидан олиб борилаётган халқаро ҳисоб – китоб операцияларининг жорий ҳолати таҳлили

2.3. Халқаро пул ўтказмалари юзасидан жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар процедураси ва жорий ҳолати таҳлили.

### **III БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ХАЛҚАРО ҲИСОБ – КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.**

3.1. Банклар фаолиятида юзага келадиган валютавий ҳисоб – китобларга оид рискларни бартараф қилиш йўллари.

### **IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МЕҲНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.**

4.1. Тижорат банкларида меҳнат хавфсизлиги таъминлаш ва бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш масалалари


## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

## **ИЛОВАЛАР**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## Кириш.

**Мавзунинг долбзарлиги.** Республикамиз экспорти ва импортининг товар ва географик таркибини такомиллаштириш орқали рақобатбардошликни ошириш бир қатор вазифаларнинг амалга оширилишини тақозо этади.



Бу борада янги бозорлар, янги транспорт йўлакларини топиш, бир сўз билан айтганда фаол маркетингга асосланган ташқи иқтисодий сиёсат юргизиш зарур.

*И.Каримов (маърузадан)*

Хорижий давлатларда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган, ёки ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин бўлган маҳсулотларга бўлган талабни ўрганиш, бундай товарлар бозорларига кириб бориш ва рақобат қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспорт қилинаётган товарлар сонини ва мамлакатлар географиясини кенгайтиришга ижобий

таъсир кўрсатади.

Жаҳон бозорларида корхоналаримиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда қуйидаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади:

- экспорт қилувчи корхоналарга маҳсулот тайёрлаш ва сотиш харажатларини камайтиришда кўмаклашиш;
- уларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, истиқболли бозорлар, рақобатчилар тўғрисида олиб борилган тадқиқотлар натижалари билан таништириш;
- транспорт-коммуникация тизимларини ривожлантириш;
- янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт харажатларини камайтириш ва ҳ.к.

Бу борада ҳар бир тармоқ учун ишлаб чиқилиши кўзда тутилаётган 2010-2012 йилга мўлжалланган тайёр маҳсулотни янги ташқи бозорларга чиқариш бўйича махсус дастурларда экспорт ҳажмини ошириш, экспорт қилинадиган юкларни ташиш тизимини такомиллаштириш, экспортчи корхоналарни маркетинг, молия ва ташкилий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш масалалари ўз аксини топади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, экспорт ҳажмини ошириш, унинг таркибини такомиллаштириш, умуман ташқи савдо айланмасини дивесификация қилиш иқтисодиётимиз таркибий тузилишида сифат ўзгаришларига эришиш, унинг рақобатбардошлигини ошириш орқали иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада кўтариш мақсадларига хизмат қилади.

Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва қатор бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Хусусан, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи банк тизимини шакллантириш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, банкларнинг инвестицион ва омонатларни жалб қилиш бўйича фаолиятини янада фаоллаштириш, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва пировард натижада рақобатбардошлигининг юқори даражасига эришиш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш дастурининг стратегик мақсади ҳисобланади. Демак, замонавий банк тизимида халқаро ҳисоб – китобларни амалга ошириш ишларини таҳлил қилиш ва унинг истиқболларини очиқ бериш давлатнинг стратегик мақсадини амалга оширишнинг муҳим манбасидир.

Юқорида қайд этилганларга мувофиқ тижорат банклари халқаро ҳисоб – китобларни амалга оширилиши масалаларини илмий – назарий жиҳатдан таҳлил қилиш бугунги кунда энг долзарб иқтисодий муаммолардан бири ҳисобланади.

**Мавзу юзасидан олиб борилган илмий изланишларга қисқача тасниф.** Банкларнинг фаолиятининг назарий – услубий асослари, амал қилиш қонуниятлари ва хусусиятлари кўпгина хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан ўрганилган. Хорижий иқтисодчиларнинг ушбу йўналишдаги тадқиқотлари жумласига Э.Наумен, П.Роуз, Ж.Синки, К.Фалби, Г.Минцберги, М.Портер, Ф.Фордларнинг илмий ишларини киритишимиз мумкин. Шунингдек, рус иқтисодчилари Л.Красавина, А.Жуков, Е.Жуков, О.Лаврушин, Я. Миркин ва бошқалар томонидан банк фаолияти соҳасидаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи – олимлар ва мутахассислар Ф.Муллажонов, Ш.Абдуллаева, Ё.Абдуллаев, М.Ангелиди, Т.Маликов, Т.Қоралиев, О.Иминов, Т.Тен, А.Қодиров ва бошқаларнинг илмий изланишларида банк фаолияти асослари ҳамда амалиёти кенг ёритилган.

**Битирув – малакавий ишнинг кафедра илмий тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги.** Битирув – малакавий иш мавзуси ҳамда олиб борилган тадқиқот «Банк ва жамғарма ишлари» кафедрасининг илмий – тадқиқот ишлари режаси билан мос келади.

**Битирув – малакавий ишнинг мақсади.** ОАТБ «Туронбанк» томонидан банк рискларини бошқариш юзасидан амалга оширилаётган чора – тадбирларни таҳлил қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида банк томонидан амалга оширилган ишларни ўрганиш асосида рискларни бошқариш ишини такомиллаштириш имкониятларини аниқлаш.

**Битирув – малакавий ишнинг вазифалари.** Белгиланган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди ва ҳал қилинди:

- тижорат банклари халқаро ҳисоб – китобларни амалга ошириш юзасидан олиб бораётган фаолиятининг назарий ва методологик асосларини тадқиқ қилиш;
- халқаро ҳисоб – китоблар шакллари ва асосий элементларини таҳлил қилиш;
- банкда халқаро ҳисоб - китоблар амалиётининг олиб борилиши ҳолати ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш;
- банкда халқаро ҳисоб – китобларни олиб бориш процедурасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;
- меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** ОАТБ «Туронбанк» да халқаро ҳисоб китобларни олиб бориш амалиёти ва банкнинг валюта сиёсати ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети** бўлиб, тижорат банкларида халқаро ҳисоб – китобларни амалга ошириш процедурасини такомиллаштиришга оид бўлган илмий масалалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг илмий ва назарий асоси бўлиб,** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарларида, банк соҳасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасидаги ишларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш юзасидан, илгари сурилган назарий қарашлар, банк фаолиятига оид Президент фармонлари ва қарорлари, қонун ҳужжатлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда республика Марказий банкининг меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлари, хорижий ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг банк ишига оид илмий – услубий ёндашувлари, амалий тажриба ва хулосалари ҳисобланади. шунингдек, ишда воқеа ва ҳодисаларни илмий билишнинг диалектик усулларида, хусусан иқтисодий таҳлилнинг таққослаш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, таркибий ва миқдорий таҳлил усулларида фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- - тижорат банклари халқаро ҳисоб – китобларни амалга ошириш юзасидан олиб бораётган фаолиятининг назарий ва методологик асослари тадқиқ қилинди;
- халқаро ҳисоб – китоблар шакллари ва асосий элементлари таҳлил қилинди;
- банкда халқаро ҳисоб - китоблар амалиётининг олиб борилиши ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар ўрганилди;
- банкда халқаро ҳисоб – китобларни олиб бориш процедурасини такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди;
- меҳнат хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди.

**Битирув – малакавий ишнинг амалий аҳамияти** шундаки, ундаги тақлиф ва тавсиялардан банклар ва уларнинг филиалларида халқаро ҳисоб – китобларни олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Ишдаги илмий – назарий ғоялар ва амалий таҳлил материалларидан банк ишига оид махсус курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Ишнинг таркиби ва ҳажми.** Битирув – малакавий иш кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## **I БОБ. ЖАҲОН МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗИ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО ҲИСОБ – КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИ.**

1.1. 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга оширишда банк тизимининг тутган ўрни.

Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислохотлар натижасида сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма-босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиётининг таянадиган асосий устунларидан бири бўлиб молиявий жиҳатдан мустаҳкам ва барқарор фаолият кўрсатувчи банк тизими ҳисобланади. Шунинг учун мустақил давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ва келажакдаги тараққиёти аввало мазкур мамлакатда барпо этилган ва мунтазам равишда такомиллаштирилиб бориладиган банк тизимининг фаолиятига боғлиқдир.

Банкларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар ўз маблағлари билангина эмас, балки омонатчилар ва кредиторлар, акциядорлар ҳамда миждозлар уларга ишониб топширган маблағлар билан, яъни кенг жамоатчилик билан иш кўради.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими энг зарур жамоатчилик муассасалари тизимларидан бири экан, ҳар қандай банкнинг муваффақиятсизлиги бутун жамият миқёсида пул таклифи қисқариши, тўлов тизими бузилиши ҳамда ҳукумат йирик ва кутилмаган мажбуриятларининг вужудга келиши каби салбий макроиқтисодий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни кўпгина муҳим иқтисодий ислохотларнинг таркибий қисми сифатида банк тизимида ҳам чуқур ўзгаришларни амалга оширилишини ва иқтисодиётни пул-кредит воситалари орқали тартибга солишнинг бир бутун механизмини яратилишини тақозо этмоқда.

Президентимиз томонидан белгилаб берилган 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётни барқарор, мувозанатли ва изчил ривожлантиришнинг белгиланган прогнозларига эришилди ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги таъминланди. Марказий банк томонидан амалга оширилган катъий пул-кредит сиёсати макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Ҳукумат томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши комплекс чора-тадбирлар дастури республика банк-кредит тизимида инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенгаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарам эмаслиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажралиб турди.

Мамлакатимизда 2009 йилда «Asia Alliance Bank» хусусий очик акциядорлик тижорат банкининг ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 9 январдаги қарорига мувофиқ «Hi-Tech Bank» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкига банк операцияларини амалга ошириш бўйича

Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа бўлиб қолмоқда. Бу ўринда гап банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини ошириш ҳақида бормоқда.

*И.Каримов (маърузадан)*

лицензия берилиши натижасида жами тижорат банклари сони 30 тага етди. «Hi-Tech Bank» хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банкнинг устав капитали 5,25 млрд. сўмдан кўпроқ миқдорда шакллантирилиб, унинг 51 фоизи жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига тўғри келади. Ушбу янги банкнинг очилиши мамлакатимиз Президентининг «Хусусий акциядорлик тижорат банклари тузишни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талаблари изчил амалга оширилаётганининг яна бир тасдиғидир.

Иқтисодий ривожланишнинг ўсиши банк кредитининг қўлланилиш кўламини кенгайтириб боради. Кредит фақатгина ҳар кунлик фаолият билан боғлиқ ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг қисқа муддатли эҳтиёжлари учун эмас, балки узоқ муддатга капиталга бўлган эҳтиёжни қоплашга йўналтирилади.

Банк тизимининг муомалага кредит пулларини чиқариши депозитлар яратиш йўли билан тўлақонли пуллар ўрнини босувчи кредит воситаларини вужудга келтиради.

Республика банк тизимини автоматлаштириш ва компьютерлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида нафақат банкнинг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган ахборот тизими ва локал дастурлар мажмуи, балки иқтисодиётнинг молиявий фаолиятини таъминловчи яхлит миллий тўлов тизими яратилди.

Банклар томонидан аҳолига кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, замонавий технологиялар асосида қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилиб келинаётган бир қатор чора-тадбирлар ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аксини топмоқда.

Президентимиз «Банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор», деб таъкидлаб ўтган эди.

Бу ўринда биз нафақат корхоналар томонидан инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштиришни, балки бундан тижорат банклари қанчалик манфаатдор экани ва улар бу лойиҳаларда ўз кредит ресурслари билан нечоғлиқ фаол иштирок этаётганини ҳам кўзда тутамиз.

*И.Каримов (маърузадан)*

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 августдаги 147-сонли қарори талабларини ижро этиш борасида банк тизими томонидан амалга оширилган бир қатор чора-тадбирлар аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошишига олиб келди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармониға мувофиқ, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамланишига хизмат қилди ва бу жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

Айниқса бунда Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу вазифадан келиб чиққан ҳолда, банк тизимида аҳолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан пластик карточкалардан фойдаланишни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида, 2010 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминалларнинг умумий сони 60631 тани, пластик карточкалар умумий сони 6058,9 мингтани, шундан ойлик иш ҳақи лойиҳаларидаги карточкалар сони 3546,7 мингтани ташкил қилди. Корпоратив карточкалар сони 11,3

мингтани ташкил қилди. Пластик карточкалар ҳисобварақларига 3846 млрд. сўмлик маблағлар ўтказилди.

Ўз навбатида, пластик карточкалар ва терминаллар ёрдамида амалга оширилган ўтказмалар ҳажмини йилдан-йилга юқори суръатларда ошириб бориш кўзда тутилган.

Шунга кўра амалдаги барча тегишли меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан, Марказий банкнинг нақд пул муомаласига тааллуқли бўлган йўриқномаларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Нақд пул муомаласида мавжуд бўлган барча чекловлар бекор қилиниши эса нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни бирхиллаштириш борасида кўйилган муҳим қадам бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нақд пул муомаласи янада мустаҳкамланиб, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга замин яратди. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг банклардаги депозит ҳисобварақларидан нақд пулларнинг узлуксиз бериб борилиши тўлиқ таъминланиб борилди.

Бунинг учун тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим, бир сўз билан айтганда улар йирик инвестиция институтларига айланиши даркор.

*И.Каримов (маърузадан)*

Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз ҳукумати томонидан банк тизимида пластик карточкалар миқдорини ошириш ва аҳолини пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларини амалга оширишни рағбатлантириш борасида бир қанча имтиёзлар берилмоқда. Шулардан бири бу пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган

процессинг марказлари ва банкоматларни келтириш ҳамда уларни ўрнатиш борасида божхона тўловларидан 2020 йилга қадар озод қилиш чора-тадбирлари белгилангандир.

Монетар сиёсатнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, Марказий банк пул-кредит сиёсатининг билвосита дастакларидан кенг фойдаланган ҳолда пул таклифи ўсишининг асосий манбаи бўлган олтин-валюта захираларининг ошиши ҳисобига муомалага чиқарилган пул массаси ҳажмини бошқариш чораларини кўриб борди.

Марказий банк томонидан пул-кредит соҳасида амалга оширилган аниқ чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда пул агрегатлари белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида, яъни пул массасининг ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсишига мувофиқлиги таъминланди.

Монетар сиёсат борасида амалга оширилган чора-тадбирлар истеъмол маҳсулотлари нархларига монетар омилларнинг таъсирини бартараф этди, инфляция даражаси эса прогноз кўрсаткичдан ошмади ва 7,4 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли Фармонида мувофиқ фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъий назар тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан кафолатланганлиги аҳолининг банк тизимида бўлган ишончининг янада мустаҳкамланишига ва пировард натижада жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди. Халқаро банклар тажрибасини ўрганган ҳолда «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депонентлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга ўзгартиришлар киритилиб борилди. Банкларнинг барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг ликвидлигини тартибга солиш мақсадида 2008 йилнинг 1 декабридан бошлаб тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралар фондига ўтказмалари бўйича меъёр миллий ва хорижий валютада жалб қилинган депозитлар учун бир хил, яъни 15 фоиз қилиб белгиланди.

Шунингдек, мажбурий захираларга депонентланадиган маблағларни ҳисоблаш методологияси ҳам такомиллаштирилиб борилди.

2009 йилда банк тизимини ислоҳ қилиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги 1166-сонли Қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узок

муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган мажбурий захиралар нормаси жорий этилди.

Республика банк Кенгашининг 2009 йил 15 апрелдаги 2-сонли қарорига мувофиқ, фоиз ставкаларини юридик шахсларнинг банклардаги 6 ойдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун қайта молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, аҳолининг 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда жисмоний шахсларнинг пластик карточкалардаги маблағлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Нархлар ўзгаришининг амалдаги ва кутилаётган даражасини ҳисобга олган ҳолда 2009 йилда қайта молиялаштириш ставкаси 14 фоиз даражасида ушлаб турилганлиги банклараро бозордаги фоиз ставкаларнинг барқарор бўлишини таъминламоқда. Бу эса ўз навбатида, тижорат банкларининг депозит ва кредит фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келди.

Монетар сиёсатнинг 2010 йилга мўлжалланган асосий йўналишларидан ҳамда инфляциянинг амалдаги ва кутилаётган даражасидан келиб чиққан ҳолда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилмади. Бу ҳолат республика банклар тизими барқарорлигидан далолат беради.

Айни пайтда банкларнинг кредит портфели таркибида жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози давом этаётганига қарамай банкларимиз томонидан иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини фаол қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. 2010 йил 1 январь ҳолатига жами кредит қўйилмалари миқдори 8,5 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Тижорат банклари капиталлашув даражасининг ортиши иктисодиётнинг реал секторида инвестицион фаолликнинг ўсишини таъминлашда банк кредитларининг аҳамиятини ортишига олиб келди. Биргина корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун жами 2,4 трлн. сўм миқдорида инвестицион кредитлар ажратилди.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари улуши ошириш бўйича кўрилган чоралар туфайли 3 йилдан ортиқ муддатга берилган кредитларнинг банклар кредит портфелининг умумий ҳажмидаги улуши ҳозирги пайтда 69 фоизга етди ва сўнгги ўн йилда 28 баробар кўпайди.

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгиланиш ҳам бўлмайди.

*И.Каримов (маърузадан)*



Ушбу тенденцияни яқин истиқболда изчил ошириб бориш вазифаси белгилаб олинган бўлиб, банклар томонидан берилган кредитлар таркибида инвестиция кредитлари улушининг ортиб бориши, мамлакатимиздаги кенг қамровли инвестиция сиёсатини олиб

боришда банклар аҳамиятининг ортиши натижаси ўлароқ, уларнинг йирик инвестиция муассасаларига айланишига олиб келади. Банклар активлари таркибида спекулятив тавсифдаги кредитларнинг камайиши ҳамда молиявий ресурсларнинг реал иқтисодиётга қўйилма сифатида киритилиши республикамизнинг истиқболдаги ривожланишида банкларнинг ҳиссасини янада оширади. Ўз навбатида банклар капиталлашув даражасининг ошиши давлат қўйилмалари манзиллигининг ортишини таъминлайди.

Тижорат банклари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартириш зарур – бугунги кунда уларнинг ишини узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушининг ўсиши ва бунинг учун ички манбаларни жалб этиш нуқтаи назаридан баҳолаш керак.

**И.Каримов (маърузадан)**

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва

технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва булар асосида миллий иқтисодиётимизни барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги 1213-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида банк тизими инвестицион кредитларининг аҳамияти юқори бўлмоқда.

#### Ўзбекистон Республикасида 2010 йилги инвестицион дастури капитал қўйилмаларининг асосий параметрлари

№	Молиялаштириш манбаларининг номлари	2010 йилги прогноз, млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
	Капитал қўйилмалар, жами	18220,3	100
1.	<i>Марказлаштирилган инвестициялар</i>	3819,8	20,9
2.	<i>Номарказлаштирилган инвестициялар</i>	14400,5	79,1
2.1.	Корхоналар маблағлари	7777,7	42,7
2.2.	Тижорат банклари кредитлари	1530,0	8,4
2.2.1	Шу жумладан, АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»ининг имтиёзли кредитлари	256,3	1,4
2.3.	Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар в кредитлар	3876,8	21,2
2.4.	Аҳоли маблағлари	1216,0	6,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги 1213-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарори.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилги инвестицион дастурда белгиланган капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 18220,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, унинг 8,4 фоизи тижорат банклари кредитлари ҳисобига молиялаштирилади. Шундан, «Қишлоққурилишбанк» АТБнинг имтиёзли кредитлари 256,0 млрд. сўмни ташкил қилиб, асосан ушбу кредитлар қишлоқ жойларида уй-жой қурилишига сарфланиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаклар) берилган.

Юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжат орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

Тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлади.

Ҳали ҳам эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш даркор.

**И.Каримов (маърузадан)**

- қарзларни тўлаш ҳисобига ундирилган ёки аукцион ва танлов савдоларида сотиб олинган мол-мулк негизда тижорат банкларининг корхона устав жамғармасидаги иштироки улуши 100 фоизгача бўлган янги корхоналарни ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реконструкция қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлик ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш белгиланган.

Тижорат банкларининг ликвидлигини тартибга солган ҳолда, 2009 йилда белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларга эришиш, шунингдек, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Марказий банк тасарруфида бўлган барча бозор дастакларини қўллаш кўламини кенгайтди.

Банк тизими ликвидлигини тартибга солиш дастаги сифатида 2009 йил давомида Марказий банк томонидан мунтазам равишда кенг қўлланилди. Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан муомалага чиқарилган Давлат ўрта муддатли облигациялари ва Марказий банкнинг облигациялари билан бирламчи ва иккиламчи бозорларда олди-сотди операциялари амалга оширилиб борилди.


Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Марказий банк бошқаруви асосида банк тизимида бир қанча амалий ишлар олиб борилди.

Банklar капиталлашув даражаси ва ликвидлигининг ошиши пировардида улар молиявий барқарорлигининг таъминланишига, шунингдек, кенг кўламли ислохотларни амалга оширишда банklarнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини фаоллаштиришга хизмат қилувчи барқарор ресурс базасининг шаклланишига замин яратади.

Ўзсаноатқурилишбанк, Микрокредитбанк, Халқ банки, Агро банк, Асака банки ва Қишлоқ қурилиш банки устав капиталларига давлат маблағлари йўналтирилди. Натижада 2009 йилнинг ўзида тижорат банкларининг низом капитали 43 фоизга ошди ва бу ўз навбатида банк капиталларини халқаро тартибга солишининг Базель-2 стандартлари бўйича бегиланган меъёрдан банklarимизнинг капиталларини етарлилик даражаси 3 мартадан кўпроқни ташкил қилди. Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди ва бугунги кунда 3 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Инвестициялашнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш, шунингдек жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш мақсадида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш мақсад қилиб қўйилган эди. Бу борада, 2009 йил давомида тижорат банклари томонидан жами 489,2 млрд. сўмлик 13 та қўшимча акциялар эмиссияси амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2008 йилга нисбатан 212,8 млрд. сўм ёки деярли 77 фоизга ошган. Гарчи акциялар эмиссияси сони 21 тадан 13 тага камайган бўлсада, умумий эмиссиялар ҳажмининг ошиши ҳисобига ўртача эмиссия ҳажми 13,2 млрд. сўмдан 37,6 млрд. сўмга ўсди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари учун 2009 йил ўзига хос ислохотлар ва ўзгаришларга бой бўлди. Бунда республика тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашиш борасида мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган қарор ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар Давлат дастури муҳим аҳамият касб этди.



**3.2.2-расм.**

Эътиборлиси шундаки, тижорат банклари акциялари биржада доимий котировка қилинмоқда ва унинг натижалари тегишли нашрларда мунтазам эълон қилиб борилмоқда.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капиталини камида 20 фоизга ошириш ва яқин 2 йилда жами банклар капитали даражасини ЯИМга нисбатан 10 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

2010 йилда тижорат банклари томонидан яна 250 млрд. сўмлик қўшимча акциялар муомалага чиқарилиб, банклар устав капиталларининг оширилиши кутилмоқда. Масалан, Халқ банки кейинги 4 йил давомида ўзининг устав капиталини 10 млрд. сўмдан аввал 100 млрд. сўмга, кейин 200 млрд. сўмгача оширишни мўлжалламоқда.

2009 йилдаги банк соҳасидаги ислохотлардан яна бири шуки, эндиликда барча мулкчилик шаклидаги тижорат банклари корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқига эга бўлишди. Бу ўз навбатида республика облигациялар бозорининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, шунингдек, тижорат банкларининг «Тошкент» Республика Фонд биржасидаги иштирокини ҳам жадаллаштиради. 2009 йилда «Тошкент» Республика Фонд биржасидаги савдоларнинг деярли 44 фоизини республика тижорат банкларининг акциялари ташкил қилди ва 39,4 млрд. сўмга тенг бўлди. Ушбу сумманинг 37,1 млрд. сўми нодавлат банклар ва устав капиталида давлатнинг улуши «назорат пакети»га тенг бўлмаган банклар ҳисобига тўғри келади.

2008-2009 йилларда қўшимча эмиссия қилинган акцияларнинг таркибида имтиёзли акциялар сонининг ҳиссаси олдинги йиллардаги 1,1-2,2 фоиздан 0,6-0,7 фоизгача пасайди. Ушбу ҳолат қўшимча эмиссияларда давлат иштирокининг ошганлиги, яъни давлат томонидан банклардаги назоратни олишга бўлган қизиқишнинг юқорилиги билан изоҳланади.

Марказий банк томонидан ички валюта бозорини янада ривожлантириш ва эркинлаштириш, унинг доимий барқарор фаолият юритишни таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиб борилди.

Ўтган йиллар ичида мамлакатда иқтисодиётнинг стратегик аҳамиятга эга бўлган тармоқларини шакллантиришга қаратилган самарали иқтисодий ислохотлар амалга оширилди, барқарор иқтисодий ўсишга, валюта маблағларининг доимий тушуми манбалари ва етарли даражада валюта захираларини шакллантириш орқали миллий валютанинг харид қувватини четдан олинадиган қарз маблағларисиз сақлаб туришга замин яратилди.

Жорий йилда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг билвосита дастакларидан фойдаланишни янада кенгайтириш билан бир қаторда, ўзгарувчан фоиз ставкаларини тезкор бошқаришни давом эттирилди. 2010 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан жами 293 та миллий валютадаги ва 118 та хорижий валютадаги омонат турлари аҳоли, корхона ва ташкилотларга тақдим этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ҳозирги вақтда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар энг аввало банк тизими билан бевосита боғлиқ бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам банк кредитларидан самарали фойдаланиш, уларнинг энг қулай шаклларидан, жумладан, истеъмол ва ипотека кредитидан фойдаланиш ҳам муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда Республикамиз аҳолиси учун истеъмол ва ипотека кредитининг турли хил вариантлари жорий этилган бўлиб, Республика тижорат банклари томонидан аҳолининг ушбу кредитларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга алоҳида эътибор қаратилган. Чунки, истеъмол кредитларининг берилиши аҳоли учун Республикада ишлаб чиқарилган истеъмол товарларини сотиб олиш учун кенг имкониятлар яратиб берса, ипотека кредитлари ёш оилалар ва бошқа тоифадаги аҳолининг уй-жой билан таъминланиши даражасини оширади.

2010 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон банклари Ассоциациясига аъзо 19 та тижорат банки томонидан 40 дан ортиқ турдаги истеъмол кредити жорий қилинган бўлиб, улар 6 ойдан 3 йилгача бўлган муддатга берилади. 2009 йилнинг октябрь-ноябрь ойлари давомида 11 та янги турдаги истеъмол кредитлари муомалага чиқарилди. Бундан ташқари баъзи банклар томонидан амалдаги истеъмол кредитларининг шартлари ва талабларига бироз ўзгаришлар киритилди.

Ҳозирда 20 та тижорат банклари томонидан 37 та турдаги ипотека кредити жорий қилинган бўлиб, улар 3 йилдан 15 йилгача бўлган муддатга берилади. Ипотека кредити уй-жой сотиб олиш, қуриш ва илгари сотиб олинган уй-жойларни таъмирлаш учун ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги 670-сонли «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2007 йил 7 ноябрдаги 726-сонли «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларига мувофиқ банкларнинг минимал устав капиталлари миқдорига ўзгартиришлар киритилди. Ушбу қарорларга мувофиқ янги ташкил этилаётган тижорат банкларининг минимал устав капитали 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб қуйидагича миқдорда белгилаб қўйилди:

- тижорат банклари учун сўм эквивалентида 5 млн. евро миқдорига;
- хусусий банклар учун сўм эквивалентида 2,5 млн. евро миқдорига.

Республикамиз банк амалиётида кредитлаш шаклларида кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискинни маълум даражада минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадлари ошишига олиб келади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарур.

*И.Каримов (маърузадан)*



2010 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2009 йилдагига нисбатан 1,4 баробар кўпроқ кредит ресурсларини ажратиш устувор йўналиш қилиб белгиланди. Шу билан бирга, микрокредитларнинг даражаси эса 1,3 баробарга ўсиши кутилмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз тижорат банклари ҳамда янги ташкил топаётган кредит институтлари ўртасида тенг ва беғараз рақобат вужудга келмоқда. Бу эса тижорат банклари бошқарув стратегиясининг тўғри танланганлиги, активларнинг ишончли жойлаштирилганлиги, мажбуриятларни бажариш ва ликвидлиликни таъминлашда ижобий натижаларга эришиш зарурлиги ҳамда шу асосда юқори даромадга эришиш мумкинлигидан дарак бермоқда.

## **1.2. Тижорат банкларининг халқаро ҳисоб – китоблари шакллари ва уларнинг моҳияти.**

Халқаро ҳисоб-китобнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- ҳужжатли аккредитив
- инкассо
- банк ўтказмаси
- очик ҳисобварақ
- бўнак
- вексел
- чек

**Ҳисоб-китобларнинг аккредитив шакли.** Халқаро савдони амалга оширишда ҳисоб-китобларининг аккредитив шакли кенг қўлланилиб келинади. Бундай ҳисоб-китоблар Халқаро савдо палатасининг (Париж) 1993 йил янги таҳрирдаги №500-“Ҳужжатли аккредитивлар учун унификациялашган қоидалари” асосида амалга оширилади (1994 йил 1 январидан кучга кирган). Шу қоидаларга мувофиқ ҳужжатли аккредитив бу - банк миждознинг топшириғига мувофиқ учинчи шахсга (аккредитив очилган шахс – бенефициарга) тақдим этилган ҳужжатларни тўлаш ёки бенефициар томонидан берилган траттани акцептлаш (тўлаш) ёки ҳужжатларни негодациялаш (сотиб олиш) тўғрисидаги келишувдир. Банк бу ҳисоблашувда мустақил томон бўлиб, у тижорат битими юзасидан томонларнинг ҳуқуқий муносабатларига аралашмайди.


Ҳужжатли аккредитив бўйича ҳисоб-китобларда:

- ▲ банкка аккредитив очиш тўғрисида мурожаат қилган импорт қилувчи (буйруқ берувчи);
- ▲ аккредитив очувчи банк – эмитент;

▲ экспорт қилувчига унинг номига аккредитив очилганини огоҳлантирувчи унга аккредитив матнини етказиб берувчи (авизоловчи) банк;

▲ номига аккредитив очилган экспорт қилувчи – бенефициар;

Хужжатли аккредитив бўйича ҳисоб-китоб чизмаси:



1. Аккредитив очиш бўйича ариза бериш
2. Аккредитив очиш ва ариза берувчи банк орқали бенефициарга аккредитив матнини жўнатиш.
3. Бенефициарга аккредитив очиш тўғрисида хабар бериш
4. Товарни экспортга жўнатиш
5. Бенефициар томонидан тўлов учун ҳужжатлар тўплашни расмийлаштириш ва банкка жўнатиш
6. Авизо қилувчи банк томонидан ҳужжатларни банк эмитентга жўнатиш.
7. Банк эмитент томонидан олинган ҳужжатларни текшириш ва тўлаш.
8. Банк эмитент томонидан тўланган ҳужжатларни импорт қилувчига етказиб бериш.
9. Авизо қилувчи банк томонидан экспорт тушумини бенефициарлар ҳисобига ўтказиш.

Ушбу схемадаги операциялар кетма – кетлиги ва ўтказиш муддати томонлар ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ келиши лозим.

Халқаро ҳисоб-китоб амалиётида аккредитивларнинг бир неча тури мавжуд бўлиб, улар қуйидаги белгиларига кўра тавсифланадилар:

Банк томонидан аккредитив шартларини ўзгартириш бўйича:

- ▲ чақириб олинмайдиган;
- ▲ чақириб олинмайдиган аккредитивларга бўлинади.

1. Чақириб олинмайдиган аккредитивда, импорт қилувчи бенефициарни олдиндан огоҳлантирмасдан аккредитив шартларини ўзгартириш ёки бекор қилиши мумкин

2. Чақириб олинмайдиганида эса томонлар розилигисиз аккредитив шартлари ўзгартирилмайди.

Бошқа банкнинг аккредитив бўйича қўшимча мажбуриятларни олишига қараб:

- тасдиқланган
- тасдиқланмаган аккредитив.

1. Агар банк – эмитент бошқа банкни чақириб олмайдиган аккредитивни тасдиқлашга вакил қилса ёки илтимос қилса, у ҳолда бундай тасдиқлаш тасдиқловчи банк учун бош эмитентнинг тўлов, акцепт ёки негодациялаши қўшимча мажбуриятни англатади.

Аккредитивнинг такрорланиш хусусиятига қараб:

- такрорланадиган ;
- револьверли турлари мавжуд.

Одатда, хужжатли аккредитив бўйича битимлар йирик суммага тузилиб, товар ва унинг ҳужжатлари қисман етказиб берилади. Масалан, 10 млн. АҚШ долларига тузилган шартнома бўйича товарлар тўрт марта ҳар хил суммада жўнатиш мумкин. Товар

хужжатлари ҳам шу суммага мос равишда расмийлаштирилган бўлади. Агар бор хужжатларнинг хар бир тўпламидан сўнг шартнома суммаси тикланса – такрорланувчи, бир қанча хужжатлар тўпламидан кейин тикланса у ҳолда револьверли аккредитив дейилади. Бу турдаги аккредитивлардан муомала харажатларини камайтириш туфайли борган сари кенг қўлланилмоқда.

Валюта таъминотига кўра:

- қопланган
- қопланмаган аккредитивлар қўлланилади.

1. Қопланган аккредитивда эмитент банк аккредитивда кўрсатилган суммани аккредитив очилиши билан авизо қилувчи банка ўтказилади.

2. Қопланмаган аккредитивда пул олдиндан ўтказилмайди.

Аккредитивни амалга ошириш имкониятига кўра:

- хужжатлар берилиши билан тўланадиган;
- акцептли аккредитив;
- тўлови кечиктирилган аккредитив;
- хужжатларни неогоциялаш асосидаги аккредитивлар.

Аккредитив асосида ҳисоблашувлар халқаро савдодаги энг мураккаб ва қиммат турадиган шакл ҳисобланади. Аккредитив операцияларни ўтказиш учун банк бошқа ҳисоб-китобларга нисбатан комиссия ҳақини юқорироқ қўяди. Баъзида импорт қилувчи аккредитив очиш учун банк кредитдан фойдаланиб, бунинг учун фоиз тўлайди. Импорт қилувчи учун ушбу ҳисоб-китоб шаклининг яна бир салбий томони шундан иборатки, у товарларни қабул қилиб олиш ва сотишидан олдин шу товарлар суммасига аккредитив очиб, ўз малағларини банд этиб қўяди.

Экспорт қилувчи учун аккредитив усулда ҳисоб-китоб ўтказиш бир мунча қулай ҳисобланади, жумладан чақириб олинмайдиган аккредитивнинг ижобий томонлари кўйидагиларда пайдо бўлади;

Ҳисоб-китобнинг ишончилиги ва товарлар учун тўловнинг ўз вақтида ўтказилишини таъминланиши, чунки банк бу мажбуриятни ўзига олади.

**Банк ўтказмалари.** Халқаро ҳисоб-китобларнинг яна бир шакли бу банк ўтказмаси ҳисобланади. Бу ҳисоблашувнинг мазмуни шундан иборатки, тўловчи банк бошқа банкка ўтказма олувчи шахсга белгиланган суммани тўлаш бўйича топшириқ беради. Халқаро ҳисоб-китобларда кўпинча банклар пул ўтказмаларини ўз мижозларининг топшириқларига мувофиқ амалга оширадилар. Бу операцияларда куйидагилар иштирок этадилар:

- пул ўтказувчи (импортчи)
- пул ўтказувчининг банки (импортчининг банки)
- пул ўтказмасини олувчи банк (экспортчининг банки – бенефициар)
- пул ўтказмасини олувчи (экспортчи)

Банк ўтказмаси асосида: инкассо охириги ҳисоб-китоб бўйича тўлов, аванс тўловлари ўтказилади. Банк ўтказмалари почта ва телеграф тўлов топшириқлари асосида, кейинги йилларда СВИФТ тизими бўйича, почта ёки телеграф орқали ўтказилади. Банк орқали пул ўтказма олдиндан бўнак ёки товар етказиб берилгандан кейинги тўлов қўлланишига қараб ўзгаради.

Экспортчи ва импортчи ўртасида шартнома имзолангандан сўнг (1) импортчи банкка ўтказма тўғрисида ариза беради (2). Шартнома шартларидан келиб чиққан ҳолда товар етказиб берилгандан кейин (3), импортчининг банки импортчидан тўлов топшириқномасини қабул қилиб уни экспортчининг банккага жўнатади (4). Экспортчининг банки тўлов топшириқномасини қабул қилгач (5) хужжатнинг қонунийлигини текшириб кўриб, экспортчининг ҳисобрақамига маблағ ёзиш операциясини амалга оширади.

**Халқаро ҳисоб - китобларнинг бўнак шаклидаги ҳисоб-китоблар.** Ҳисоб-китобларнинг бу тури экспорт қилувчи учун қулай ҳисобланади, чунки товарлар учун

тўлов уни етказиб берилишидан аввал, баъзида эса уни ишлаб чиқаришдан илгари амалга оширилади. Агар импорт қилувчи товарни бўнак асосида тўласа, у ҳолда экспорт қилувчининг айланма капитали кўпаяди.

Халқаро тартибда бўнак шаклида тўловлар битим суммасининг 10-33% ини ташкил этади.

**Очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоб-китоблар.** Очиқ ҳисобрақамлар бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилганда импорт қилувчи олинган товар учун тўловни вақти-вақти билан тўлаб боради. Унинг жорий қарзлари суммаси савдода иштирок этаётган томонларнинг китобларида қайд этиб борилади. Халқаро ҳисоб-китобларнинг бу шакли очиқ ҳисобрақам бўйича кредитлаш билан боғлиқ. Ушбу ҳисоб-китоб шаклидан қуйидагилар кўпроқ фойдаланадилар:

- Доимий алоқада бўлган фирмалар,
- ТМК ва уларнинг фирмалари,
- Экспорт қилувчилар ва брокерлик фирмалари,
- Экспорт қилувчи иштирок этган аралаш фирмалар,
- Консигнация асосида товар етказиб берувчилар фирмалар.

**Хужжатли инкассо.** Инкассо бу экспортчининг ўз банкига импортчидан маблағни (тўғридан-тўғри ёки бошқа банк орқали) олиш ёки белгиланган муддатда ушбу маблағ тўланишининг тасдиқномасини (акцепт) олиш тўғрисидаги топшириғидир.

Инкассо операциясида ишлатиладиган хужжатлардан келиб чиққан ҳолда унинг қуйидаги турлари мавжуд:

Соф инкассо, бунда операциялар тўловни олиш учун ишлатиладиган молиявий хужжатлар (чеклар, векселлар, тўлов мажбуриятлари ва бошқалар) асосида амалга оширилади.

Хужжатли инкассо, бунда тижорат хужжатларининг (молиявий хужжатлар илова қилинган ёки қилинмаган ҳолда) инкассосидир.

Асосий тижорат хужжати бўлиб, тижорат ҳисобварағи ёки ҳисобварақ – фактура ҳисобланади. Тижорат ҳисобварағи ёзиш учун асос бўлиб, транспорт хужжати (денгиз ёки дарё коносаменти, темир йўл, авиа, авто накладнойлар ва хк) ҳисобланади, Шунингдек суғурта полислари, турли сертификатлар, спецификация, гувоҳномаларни ҳам шу хужжатлар жумласига киритиш мумкин.

Хужжатли инкассо шаклида хужжатлар айланиши ва тўлови қуйидаги тартибда олиб борилади:

1. Экспорт қилувчи товар сотиш юзасидан импорт қилувчи билан хужжатли инкассо ҳисоб-китоб шаклида ҳисоблашиш ҳамда ҳисоб – китобларда иштирок этувчи банклар назарда тутилган битим тузади (1). Битимдаги шартлар асосида экспортчи товарни юклаб жўнатади (2), транспорт ташкилотидан транспорт хужжатларини олган экспортчи (3) уларни ўз банкига (ремитентга) топширади (4) ва ремитент банк инкассо қилувчи банкга тўловларни жўнатади (5). Инкассо қилувчи банк олинган хужжатларни тўловни ёки акцептни олиш учун тўловчига юборади (6). Импортчидан тўловни олинган (7) ремитент банкга маблағ кўчирилади (8)

Импорт қилувчи учун ушбу ҳисоб-китоб шаклининг бир қанча қулайликлари мавжуд. Биринчидан, импорт қилувчи товарларга эгалик ҳуқуқини берувчи хужжатларни қабул қилиб олгандан сўнг тўловни амалга оширади. Иккинчидан, эса тўловчи учун олдиндан ўз малағларини банкка жалб этишга ҳожат қолмайди.

**Ҳисоб-китобларнинг вексел шакли.** Вексел асосида ҳисоблашувларда тратта деб аталувчи ўтказма векселдан кенг фойдаланилади. Тратта – қонун хужжатларига мувофиқ тузилган хужжат бўлиб, унда кредиторнинг (трассент) қарз олувчига векселда кўрсатилган муддатда белгиланган суммани учинчи шахсга (ремитент) ёки векселни тақдим этувчига ҳеч қандай шартларсиз тўлаш тўғрисида кўрсатма берилган бўлади. Вексел ёрдамида ҳисоб-китоб ўтказишда экспорт қилувчи ўз банкига инкассо қилиш учун

тратта ва товар ҳужжатларини беради. Банк эса шулар асосида импорт қилувчидан тегишли валюта суммасини олади.

Импорт қилувчи тўловни амалга оширгандан сўнг ёки траттани акцептлагандан кейингина товар ҳужжатларига эга бўлади.

**Чеклар билан ҳисоб-китоблар.** Чек асосида ҳисоб-китоб XIX асрнинг охирларидан бошлаб амалга кирган. Агар тўлов чек асосида ўтказилса, қарздор (сотиб олувчи) чек ёзиб беради ёки уни банкка топширади. Савдо харакатларида бўлган халқаро келишувларда йўл чеки ва еврочеклар ҳам алмашилади. Йўл чеки одатта туристлар ва сайёҳлар учун йирик банклар томонидан миллий ва хорижий валюта ҳисобида берилади. Еврочеклар евровалютада берилиб, мижоз томонидан банкка нақд пул топширилишидан қатъий назар бир ойгача муддатга кредит ҳисобидан берилади.

**Халқаро ҳисоблашувларнинг алоҳида хусусиятлари.** Халқаро ҳисоблашувларнинг алоҳида хусусиятлари қуйидагилардан иборатдир:

- Импорт экспорт қилувчилар, уларнинг банклари ташқи савдо битими билан боғлиқ муносабатларни ўрнатадилар. Бу муносабатлар асосида товарнинг ва тўлов ҳужжатларини расмийлаштириш, узатиш, қайта ишлаш, ҳамда тўловни амалга ошириш ётади.

- Халқаро ҳисоб-китоб миллий меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, бундан ташқари халқаро банк тартиб қоидалари билан тартибга солинади.

- Халқаро ҳисоб-китоблар – унификациялаш объекти бўлиб, бунга ҳўжалик алоқаларининг байналминаллашуви, банк операцияларининг универсаллашуви жиддий таъсир кўрсатади.

- Халқаро ҳисоб-китоблар қоидага кўра ҳужжатли хусусиятга эга, яъни улар молия ва тижорат ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Молиявий ҳужжатларга оддий ва ўтказма вексел, чеклар, тўлов тилхатлари киради.

Тижорат ҳужжатлари ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) ҳисобварақ фактура;

б) товарни юкланганлиги ёки жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (коносаментлар, темир йул, автомобил ва хаво транспорти юк хати, почта квитанцияси, аралаш ташишнинг транспорт ҳужжатлари);

в) суғурта ҳужжатлари;

г) бошқа ҳужжатлар – товарни ишлаб чиқарилишини тасдиқловчи сертификатлар, сифат сертификатлари, чегарадан ўтганлик ҳужжатлари, божхона ҳужжатлари ва бошқалар.

Халқаро ҳисоб-китоблар турли валюталарда ўтказилади. Шунинг учун улар валюта операцияларига чамбарчас боғлиқ.

Мазкур ҳисоблашувларда кафолатлашнинг умумий қоидаларига риоя этилади. Унга мувофиқ кафолат матнида қуйидагилар бўлиши лозим:

- кафолат берувчига ҳақ тўланмаган бўлса, кафолат суммаси ундирилмайди;
- битимнинг тавсифи;
- претензия (эътироз) қилиш учун зарур бўлган ҳужжатлар;
- кафолат муддати тугайдиган сана ва кафолат берган банкка бенифециар томонидан ҳужжатларни тақдим этиш санаси;

Кафолат муддати тугагандан сўнг қайтарилиши лозим.

Халқаро ҳисоб-китоб шаклларида таъсир этувчи омиллар:

- ташқи савдо объекти ҳисобланган товар тури
- кредит келишувининг мавжудлиги
- ташқи иқтисодий алоқалар бўйича контрагентларнинг тўлов қобилияти ва обрў-эътибори, дунё бозорида мазкур товарга бўлган талаб ва таклиф.

### 1.3. Тижорат банклари халқаро ҳисоб – китоб операцияларининг ҳужжатли инкассо ва аккредит шаклида муомилаларни амалга оширилиши тартиби

**Инкассо.** Инкассо усули импорт қилувчи ва экспорт қилувчига уларнинг халқаро савдо битими учун олдиндан тўлаш ва очиқ ҳисоб йўли билан молиялаштириш усулига имконият йўлларини топишга имкон беради. Иккала томон бу иккала усулларнинг қайси бирини танлаш ҳақида бош қотирса, инкассо усулини қўллаш арзон тушувчи ўзаро келишув вариантыга олиб келади. Корреспондент банклар тизими орқали бу усул воситачи тижорат банклар хизматини кўллайди. Шу билан бирга сотувчи-ҳимояни олади, чунки харидор тўловни киритмас экан ёки белгиланган муддатга, кечроқ тўлаш расмий мажбураятини кўрсатмас экан товарга эгалик қила олмайди.

Бизнинг мақсадимиз:

- Инкассо усулининг асосий принципларини тушуниш;
- Инкассо турларига тушунча бериш;
- Инкассони қўллаш камчиликлари ва имкониятларини кўрсатиш;
- Тегишли томонларининг жовобгарлик доирасини белгилаш.

**Инкассо турлари.** Халқаро инкассо тўлов учун унинг тайярловчисига (трассатга) молиявий ҳужжатни кўрсатиш жараёни англатади.

Банкка қўйилган ҳар бир чек “инкассо”га тушади, қачонки уни чекни ёзган шахснинг банкига унинг ҳисобидан пулни олиш учун юборишса. Экин муомаладаги чеклар ва бошқа ҳужжатлар инкассога тижорат банклари ўртасида ўрнатилган корреспондентлик муносабатлар тизимини қўллаш билан кўрсатилиши мумкин. Чекларни инкассога топширишдан ташқари корреспондент банклар экспорт қилувчи агентлар каби амал қилишади, еркин муомаладаги молиявий ҳужжатларни ҳисобга олиб ва халқаро савдони олиб бориш имконини яратади. Инкассонинг иккита асосий тури мавжуд: соф (фақат молиявий ҳужжат) ва ҳужжатли (молиявий ҳужжатлар билан биргаликда тижоратли ҳужжатли ёки алоҳида).

Молиявий ҳужжат чек, тратта, кўчирма вексел, оддий вексел ёки шу каби ҳужжат.

Тижорат ҳужжати деб ҳисобварақ-фактура, коносамент, товар-кузатиш ҳужжатлар, молиявий ҳужжат ҳисобланмаган бошқа ҳужжатлар ҳисобламади.

Инкассо принципи банкнинг воситачи сифатида амал қилишига асосланади. Банк ўз миждози – ишонувчидан инкассо шунингдек у аниқ амал қилиши керак бўлган йўриқномани олади. Миждоз йўриқномаси одатда тўловга тегишли инкассо суммаси ҳажмини, божни ким тўлаши ҳақидаги аниқ кўрсатмани, тўловни кўчириш усули ва миждозининг мулкани йўқотишдан янги йўриқномаларни олишгача ҳимоялаш учун инкассони тўламаганлигида зарур бўлган муолажалар баёнини ўз ичига олади.

Барча турдаги инкассолар учун ягона умумий нормалар 1993-йилда Халқаро Савдо Палатасининг 522-сонида, “Униформ Рулес фор Соллестионс” – “Инкассо бўйича унификациялаган Қоидалар”да баён қилинган.

**Соф инкассо.** Бир мамлакат валютасида банк ёки агентликка қўйилган чеклар, йўл чеклари ва пул ўтказамалари битим жараёнида бошқа мамлакатга шахс ёки ташкилот томионидан ҳисобга олиниши мумкин. Масалан, сайёҳлар келадиган мамлакатда йўл чекларида ёки шахсий чеклардан фойдаланадилар. Меҳмонхона, ресторан ёки фирмалар бу чекларни олиб уларни банкка ҳисоб-китоб учун қайтарадилар – бу эса кўпгана обрўли фирмаларда кундалик муолажа ҳисобланади.

Чет эл бу банки молиявий ҳужжатларни инкассога қабул қилади, мамлакатда жойлашган ўзининг корреспондент банкига уларни авиапочта билан юборади. Кўпгина чет эл банклари инкассони АҚШдаги корреспондентларига АҚШ долларида уларнинг ҳисобига кредитлаш учун жунатадилар.

**Ҳужжатли инкассо.** Ҳужжатли инкассо фазалари ва иштирок этувчи томонлар.

Ҳужжатли инкассода банк ўзига ҳужжатларни қайтаришга қарши сотувчи учун тегишли суммни олиш бўйича мажбуриятларни қабул қилади. Ҳужжатли инкассо тўловларни амалга ошириш учун мўлжалланган. Очиқ ҳисоб бўйича етказишга нисбатан

хужжатли инкассо шу маънода катта хавфсизликни берадики, у харидорга унга ҳақ тўламасдан ёки векселни акцептламасдан товарни ўз эгалигига олишга тўсқинлик қилади. Бундай ҳолда банклар тўловни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олмайди. лекин хужжатли инкассо сотувчини маъмурий ишларнинг катта қисмидан инкассо тўлаёти олишга овоз қилади ва унга банклараро тармоқдан фойдаланиб фойда олишга имкон беради. Бу хизмат кам сарф-харажатлар билан боғлиқ ва аккредитивга нисбатан егилувчандир.

Хужжатли инкассо қуйидаги ҳолларда тўловни амалга ошириш учун тўғри келади:

- Сотувчи яхши муносабатларга асосланиб харидорнинг тўлаш қобилиятига ва тўлашга тайёргарлигига ишониши мумкин, ёки у бошқа сабабларга кўра миқдорнинг маълум хизмат ва мажбуриятларни бажариш бўйича имкониятларига шубҳаланмайди;
- Импорт қилувчи мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шартлари барқарор деб ҳисобланади;
- Олувчи-мамлакат импортли чекланишларга эга эмас, ёки у барча зарур рухсатларни берган.

Хужжатли инкассо фазалари.

Сотувчи ва харидор ўртасидаги биринчи алоқадан битимнинг тўла амалга оширилишигача алоҳида қадамлар керак бўлиши мумкин. Учта фаза мавжуд:

1- фаза:

Инкассо шартлари ҳақида келишув.

Экспорт қилувчи ўзининг таклифида тўлов шартларини аниқлайди ёки олди-сотди шартномасида харидор билан уларни белгилайди.

2- фаза:

Инкассо топшириғини бериш ва хужжатларни кўрсатиш.

Буюртмани олгандан кейин ёки олди-сотди шартномасини тузиш бўйича сотувчи буюртма қилинган товарларни харидор манзилига ёки инкассаловчи банк манзилига нима бўлишидан қатъи назар юклайди. Бир вақтнинг ўзида у барча керакли хужжатларни тузади (фактура, конасамент, усғурта сертификати, товарнинг келиб чиқиши ҳақидаги гувоҳнома) ва уларни инкассоли топшириқ билан бирга ўз банкига (ремитент-банк) жўнатади. Ремитент-банк керакли йўриқномалар билан хужжатларни инкассаловчи банкка топширади.

3- фаза:


Хужжатларни тўловчига кўрсатиш.

Инкассаловчи банк харидорни хужжатларнинг келиб тушгани, шунингдек сотиб олиш шартлари ҳақида хабардор қилади. У унинг тўловини ёки унинг акцептини қабул қилади ва унга хужжатларни топширади. Инкассо бўйича тўланган сумма улар томонидан ремитент-банкка кўчирилади, кейин у суммани экспорт қилувчига кредитлайди.

Иштирок этувчи томонлар.

Агар тўлов хужжатли инкассо шакли бўйича амалга оширилса, у ҳолда тўртта томон иштирок этади:

- экспорт қилувчи (сотувчи, ишонувчи)
- ремитент-банк
- ваколатли банк (инкассаловчи банк, инкассоли топшириқнинг бажарилишида иштирок этувчи)
- импорт қилувчи (харидор, тўловчи).



### 1. Хуқуқий асослар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ҳужжатли инкассода банклар Халқаро Савдо Палатаси томонидан нашр қилинган “Инкассо бўйича унификацияланган Қоида”га таянади.

“Инкассо бўйича унификацияланган Қоида” банкларнинг асосий қоида ва мажбуриятларини тартибга солади. Ремитент-банк унинг ишонувчисининг кўрсатмалари инкассоловчи банкка топширилиши учун жавобгарликни олиб боради. У мумкин бўлган хатолар учун жавобгар эмас. Банклар ўз зиммаларига тўлов мажбуриятларини олмайди ва форс-мажор мажбуриятлар оқибатлари учун жавоб бера олмайди.

### 2. Инкассо шартларини келишиш.

Чет ел манфаатдор томони экспортли ташкилотни маълум товарнинг таклифи ҳақида талаб қилади. Сотувчи таклифида ва олди-сотди шартномасида тўлов шартлари кўрсатилади, масалан, “Нақд пулли тўловларга қарши ҳужжатлар”, “Акцептга қарши ҳужжатлар”. Олди-сотди ҳақидаги шартномадаги ва таклифдаги тўлов ҳақидаги келишув инкассонинг қуйидаги турларидан бирига тегишли:

#### 2.1. Тўловга қарши ҳужжатларни топшириш (досуменц агаинст паймент, Д/П)

Ваколатли банк фақат тезкор тўловга қарши ҳужжатларни тўловчига топшириши мумкин. “Цзкор”, халқаро одатга кўра “товарнинг келиб тушушида энг кечкисини” англатади. Агар сотувчи ўз пуллари олишни жуда узоқ кутишни истамаса, у инкассоли топшириқда “ҳужжатларни биринчи кўрсатиш бўйича тўловни” талаб қилиш керак. Бироқ бу ҳолда ҳам олди-сотди шартномаси, ҳам ҳисобварақ қоидага эга бўлиши керакки унга мувофиқ ҳужжатлар тўловчига уларнинг инкассоловчи банкка келиб тушуши бўйича тезкор кўрсатилиши керак.

#### 3.2. Акцептга қарши ҳужжатларни топшириш (досуменц агаинц ассептансе, Д/А)

Ваколатли банк тўловчига тратга акцептига қарши ҳужжатларни топширади, у кўрсатилгандан кейин 30 – 1080 кун давимида тўловга тегишлидир. Аксептланган векселларни квитансияга қарши нақд тўловлар билан солиштириш мумкин. Шундай

трассат тўловни амалга оширгунча товарга эгалик қилади, у уни зудлик билан сотиши ва векселни тўлаш учун керакли воситаларни сотиб олиши мумкин. Шундай қилиб, акцепт унинг учун тўлов муддатини аниқлайди ва заҳираларни қисқа муддатли молиялаштиришдан сақланишига имкон беради.

Товарни текширгандан кейин сотувчи учун фақат трассатнинг акцепти таъминловчи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Шундай қилиб, вексел бўйича тўлов муддатигача бўлган даврда тўланмаслик хавфини олиб боради. Авал деганда вексел бўйича топшириқнома тушунилади, у векселнинг юза томонида оддий имзо билан ёки векселнинг орқа томонида авал ҳақида аниқ белги билан берилади. Вексел бўйича авалчи трассат билан биргаликда биргаликдаги жавобгарликни олиб боради, яъни у трассатнинг ўз тўлов мажбуриятларини муддатида тўламаса вексел бўйича жавоб беради. Сотувчи учун тўлов кафолати ошади.

### 3.3. Тўловга қарши ҳужжатлар акцепти.

Инкассонинг бу учинчи тури амлиётдан кўра махсус адабиётда кўпроқ учрайди. Бундай инкассоли топшириқномада трассат ҳужжатларини кўрсатиш бўйича векселни акцептланишини сотувчи талаб қилади, масалан кўрсатишдан кейин 60 кундан кейин тўлаш муддати билан. Бироқ, ҳужжатлар харидорга векселни тўлагандан кейингина топширилиши мумкин. Бу пайтгача товар сақланиши керак.

### 3. Инкассоли топшириқни бериш ва ҳужжатларни кўрсатиш.

Буюртмани олгандан кейин ёки олди-сотди шартномасини тузгандан кейин сотувчи товарни юклайди. Керакли тарзда ҳисобварақ-фактура, юклаш ҳужжатлари, суғурта ва бошқа ҳужжатлар қўйилади. Сотувчи учун бу банкка инкассоли топшириқни бериш учун асос ҳисобланади. Бунда у аниқ ва тўла кўрсатмаларни бериши керак, чунки ремитент-банк ва инкассоловчи банк операцияни амалга оширишда инкассо топшириғига амал қилади. Қийинчиликларнинг пайдо бўлишида банк раҳбарият кўрсатмаларини бериши керак.

### 4.1. Инкасоли топшириқ.

Экспорт қилувчига инкассоли топшириқни беришни енгиллаштириш учун топшириқнинг намунали формулярини келтирамиз. Инкассоли топшириқни тузишда куйидагиларни ҳисобга олиш керак:

#### 1) Тўловчи манзили

Инкассони аниқ бажаришда тўловчининг аниқ ва тўла манзилини кўрсатиш керак. Бу пунктдаги хатоликлар катта муоммларникелтириб чиқариши мумкин.

#### Drawee

name **J.V. Furkat**

address **4, Khamza street, Tashkent, Uzbekistan**

#### COLLECTION INSTRUCTION

**Korea First Bank**

**C.P.O. Box 2242 Seoul, Korea SWIFT BIC KOFBKRSE**

**International Operation Centre**

**ORIGINAL**

**Our ref No ABC187A400**

Date Jul. 28, 1997

Draft amount <b>USD 107,640.00</b>	Interest <b>0</b>	Commission <b>0</b>	Claim amount <b>USD 107,640.00</b>
---------------------------------------	----------------------	------------------------	---------------------------------------

#### Drawee

name **J.V. Furkat**

address **4, Khamza street, Tashkent, Uzbekistan**

#### Drawer

name **Dae Joo Trade Ltd**  
address **1540-3, SEOCHO-DONG, Seoul, Korea**

contract No **FM12987** date **Jun. 01, 1997**

tenor **120 days from B/L date** maturity **Nov. 20, 1997**

COLLECTING BANK **National Bank for Foreign Economic Activity of the Republic of Uzbekistan**

DOCUMENTS

DRAFT	COMM INV	PKG LIST	CERT ORIG	B/L	INSUR POL
2	3/2	3/2	1+1C	1+2C	½

REIMBURSEMENT

Please credit or remit the proceeds by SWIFT to our account No **234-252** with **Chase Manhattan Bank, New York, USA** under advice to us quoting our ref.

INSIRUCTIONS

Deliver documents against **ACCEPTANCE**  
Advice the date of acceptance and maturity by SWIFT.  
Waive charges if refused.

Authorised signature  
**Korea First Bank**

2) Хужжатларни топшириш усули

Банк тўловчига инкассода кўрсатилган тезкор тўловга қарши хужжатларни бошқакўрсатмаларнинг йўқлигидагинатопширади. Аксепртга қарши хужжатлар инкассо топшириғида аниқ кўрсатмалардагина топширилади. Агар шундай экан, у ҳолда ваколатли банк векселнинг тўла ва қонуний тўғри акцептга ега эканлигини кузатади. Банк имзоларнинг асли, ёзувлардаги тузатишлар ёки трассатнинг тўлов қобиляти учун жавобгарликни олиб бормайди.

INSIRUCTIONS

Deliver documents against **ACCEPTANCE**  
Advice the date of acceptance and maturity by SWIFT.

3) Хужжатлар

Хужжатлар нусхаларининг кўриниши ва сони импорт қилувчи мамлакатининг кўрсатмалари билан аниқланиши керак. Агар бундай маълумотларбуйортмада ёки олди сотди шартномасида мавжуд бўлмаса, у ҳолда экспорт қилувчи импорт қилувчи мамлакатининг консуллик ваколатхонасида маълумотларни олдиндан келтириши керак. Агар керакли хужжат мавжуд бўлмаса, харидор яхши текширувдан кейин хужжатларни қабул қилиб тўлаши мумкин ёки буни умуман қилмаслиги керак.

Барча хужжатлардаги белгилар ва номерлар бир хил бўлиши ва ўраш маркасига тўғри келиши керак. Жўнаш ва келиш портининг номи, шунингдек кеманинг номи барча хужжатларда бир хил бўлиши керак.

Товарларни ҳаво транспрти, почта, темир йўл ёки автотранспорт билан жўнатишда бевосита тўловчининг манзилига улар охириги шахсга топширилади. Шунинг учун ишонувчи товарларни ваколатли банкка жўнатиш имконига ега. Бунинг учун у мазкур банкнинг дастлабки келишувига муҳтож. Акс ҳолда банк “товарни қабул қилмайди, агар товарни жўнатувчи унинг риск ва мажбуриятларни олиб борса”.

## DOCUMENTS

DRAFT	COMM INV	PKG LIST	CERT ORIG	B/L	INSUR POL
2	3/2	3/2	1+1C	1+2C	½

### 4) Вексел

Харидорга кўйилган кўчириш векселини ишонувчи ҳужжатларга иловалайди. Инкассо топшириғида кўрсатилган йўриқномадан қатъи назар, инкассоловчи банк акцептланган векселни ремиттент-банкка ишонувчи фойдасига йўборди ёки ўзида тўлаш муддати келгунча сақлаб қолади. Акцептланган векселни тўлагандан кейин у суммани инкассо бўйича ремиттент-банкка кўчиради ва у буни ишонувчи ҳисобига кредитлайди.

### 5) Комиссия ва харажатларни ундириш

Агар бошқа кўрсатмалар бўлмаса, у ҳолда ремиттент-банк ишонувчидан унга ва инкассоловчи банкка тегишли комиссия ва харажатларни инкассо бўйича талаб қилади (ундиради). Бинобарин, ишонувчи бу харажатларни тўловчидан ундиришни талаб қилиши мумкин. Агар тўловчи тўлашдан бош торца, унда ваколатли банк унга ҳужжатларни топшириш ҳуқуқига ега.

## INSIRUCTIONS

Deliver documents against **ACCEPTANCE**

Advice the date of acceptance and maturity by SWIFT.

Waive charges if refused.

### 6) Кредитланувчи ҳисобварақ

Инкассоли фойда қай таризда ишонувчига топширилиши ҳақидаги йўриқномалар тўловларни амалга оширишни тезлаштиришга ва тушунмовчиликларни енгишга имкон беради. Агар инкассоли тушум чет ел валютасида келиб тушса, у ҳолда бинефициар учун ҳисобварақнинг чет ел валютасида мавжудлиги афзалроқдир. Шунда тегишли сумма оригинал валютада кредитланиши мумкин.

## REIMBURSEMENT

Please credit or remit the proceeds by SWIFT to our account No **234-252**

with **Chase Manhattan Bank, New York, USA**

under advice to us quoting our ref.

### 7) Имзо

Албатта ваколатли шахснинг имзоси бўлиши керак.

*Authorised signature*

**Korea First Bank**

## 4.2. Ҳужжатларни текшириш.

Ўз банкка инкассо топшириғини беришдан аввал, ишонувчи ҳужжатларнинг тўла ва тўғри тўлдирилганини текшириши керак. Банк буни бажармайди, унинг вазифаси инкассоли топшириқни узатиш, шунингдек инкассони малакали ва тўғри ижро этишдир. Бироқ банк топшириқда келтирилган барча ҳужжатларнинг мавжудлигини текширади. Ишонувчи асосий эътиборини қуйидагиларга қаратиши керак:

- Харидор томонидан талаб қилинган ёки олди-сотди шартномасида келишилган барча ҳужжатлар мавжудлигига;
- Ҳужжатларни кўйишда импорт қилувчи мамлакатининг кўрсатмалари ҳисобга олинганми;

- Коносаментнинг, суғирта ҳужжатининг ёки векселнинг қайта томонида узатиш ёзувлари қўйилганми.

#### 4.3. Ҳужжатларни инкассоловчи банкка узатиш.

Ремитент-банк ҳужжатларни керакли йўриқномалар билан тўловчи мамлакатдаги банкка узатади. Кўп ҳолларда охириги ҳужжатларни тўловчига кўрсатади. Маълум вазиятларда у ҳужжатларни бошқа банкка кўрсатишни топширади. Инкассоловчи банк ваколатли банк дейилади.

#### 4. Ҳужжатларни тўловчига кўрсатиш ва тўлаш.

Ваколатли банк йўловчини унга ҳужжатлар келгани ҳақида хабардор қилади. Ваколатли банкнинг ахборотида авизо ва ҳужжатларнинг тегишли фотонусхаларида тўловчига унга жўнатилган товарлар ҳақидаги муҳим маълумотларни топади. Ундан ташқари у авизодан мавжуд банк ҳужжатлари асосида товарни олиши божни тўла олишини кўради.

Тўловчи ваколатли банкнинг жойлашган жойидан ҳужжатларни текшириши мумкин. Ва аксинча, банк ишонувчининг махсус рухсатсиз келиб тушган товарни кўриб чиқишга рухсат бера олмайди.

Агар тўловчи ҳужжатларни тўласа, унда ваколатли банк кечиктирмасдан тушумни инкассо бўйича ремитент-банкка юборади. Валютаси чекланган конвертацияланувчи мамлакатларда у шунчаки осон эмас.

Ваколатли банк тушумни ремитент-банкка кўчиради агар ихтиёрига валютани тегишли суммаси келиб тушса. Мумкин бўлган кўрсдаги фарқни тўловчи қоплаши керак. “Акцептга қарши тўловлар” инкассосида акцепланган вексел трассат томонидан ҳужжатларни олганидан кейин ё инкассоловчи банкка қолади ё ремитент-банкка қайтарилади. Охириги векселни ўзининг ишонувчисига беради.

Ҳужжатли инкассо ўз вазифасини бажарди: харидор ҳужжатлар ёрдамида товарни олди, сотувчи эса – ҳисоб-китобларнинг инкассоли шаклига амал қилиб пулни олди.

#### 5. Харажатлар

Ҳужжатли инкассони амалга оширишда хизматлар учун компенсациялар сифатида ваколатли банк ва инкассоловчи банк комиссия устама харажатларни ёзади. Қўйидагиларга комиссиялар ҳақида сўз беради:

- Акцептга ёки тўловга қарши ҳужжатларни топшириш учун;
- Акцептни тўлашга;
- Юкланган товарни бўшатиш учун;

Инкассони қандай амалга оширишидан қатъи назар векселларнинг муддатини узайтириш учун, ҳужжатларнинг тақдири ҳақида қўшимча ахборот учун, ҳужжатларни қайтариш учун устама харажатлар ва комиссиялар ёзилиши мумкин.

Оддий сарф-харажатлар учун мужоз яхши эквивалент олади, чунки банк унга нафақат ўзининг тажрибали мутахассисларининг хизматларини, балки кенг корреспондентлик тармоғини ҳам беради.

## **II БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ХАЛҚАРО ҲИСОБ – КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИНГ ОЛИБ БОРИЛИШИ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИНГ ТАҲЛИЛИ.**

3.1 Тижоратт банклари томонидан мижозларга халқаро ҳисоб – китоб операциялари хизматини кўрсатиш процедураси.

**Банк бўлими/филиали томонидан хорижий валютадаги маблағларни жўнатиш тўғрисида берилган тўлов топшириқномаларини ижро этиши процедураси**

№	Ҳужжатлар айланиши процедурасининг асосий босқичлари	
	Умумий қоидалар	Ушбу процедура банк бўлималари/ филиаллари

		томонидан корпоратив мижозларнинг чиқувчи тўлов ҳужжатларини қабул қилиши ва жўнатиши билан боғлиқ операцияларга доир ҳужжатлар айланишини тартибга солиш мақсадида ишлаб чиқилди
	<b>МИЖОЗ БИЛАН ИШ БОШЛАШ</b>	<b>МИЖОЗ БИЛАН ИШ БОШЛАШ</b>
	Мижоз банкка келиши	Мижоз Фронт-офисга, бўлим/филиалнинг корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимига келади
<b>1.</b>	<b>Структура №1</b>	<b>Фронт-офис: бўлим/филиалнинг корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими</b>
<b>1.1.</b>	<b>Бўлим/филиалда юридик мижозлардан хорижий валютадаги маблағларни жўнатиш тўғрисидаги тўлов топшириқномаларини ижро учун қабул қилиш</b>	Хорижий валютадаги маблағларни жўнатиш учун тўлов топшириқномалари корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимининг мутахассиси томонидан белгиланган “Хорижий валюта жўнатиш тўғрисидаги тўлов топшириқномаси” андозавий шаклида (кейинги ўринларда – тўлов топшириқномаси (1-илова), агар бўлим/филиалда телекс бўлмаса – 3 нусхада, агар бўлим/филиалда телекс бўлса – 2 нусхада қабул қилинади. Тақдим этилган барча нусхалар асл нусха бўлиши керак, тўлов топшириқномасининг кўчирма нусхалари қабул қилинмайди.
<b>1.2.</b>	<b>Дастлабки текширув ва назорат</b>	Бўлим/филиалнинг корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси қуйидагиларни текширади ва назорат қилади: <ol style="list-style-type: none"> <li>хорижий валютада маблағ жўнатилиши Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқлиги;</li> <li>жўнатма тўғрисидаги тўлов топшириқномаси тўғри тўлдирилгани ва осон ўқилиши;</li> <li>имзолар ва муҳр изи намунадагисига мослиги;</li> <li>мижоз тўлов топшириқномасида кўрсатган ҳисобварақда маблағ етарлилиги (1-илованинг 2.1-бандига қаранг).</li> </ol> <p>Тегишли ҳужжатлар текширилганидан кейин корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси тўлов топшириқномасига “Текширилди, ҳисобварақда қолдиқ етарли” деган ёзувли штамп босиб, унга имзо чекади ҳамда тўлов топшириқномасини импорт контрактлари ҳисобга олиниши ва рўйхатдан ўтказилишига жавобгар мутахассисга имзолаш учун беради (агар товарлар ва хизматлар импорти бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун маблағ жўнатилаётган бўлса).</p>
<b>2.</b>	<b>Структура №2</b>	<b>Фронт-офис: бўлим/филиалнинг импорт контрактларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш бўлими</b>
<b>2.1.</b>	<b>Жўнатма қонунийлиги ҳамда импорт контракти шартларига мувофиқлигини текшириш</b>	Жўнатма қонунийлиги ҳамда импорт контракти шартларига, импорт битими паспортига мувофиқлиги текширилганидан кейин мутахассис тўлов топшириқномасига виза қўяди ҳамда уни

		расмийлаштиришни давом эттириш учун шахсан ўзи корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассисига қайтаради.
<b>3.</b>	<b>Структура №3</b>	<b>Фронт-офис: бўлим/филиалнинг корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими</b>
<b>3.1.</b>	<b>Тўлов топшириқномасини назоратчига бериш</b>	Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси тўлов топшириқномасини жорий назорат қилиш учун бўлим бошлиғи (назоратчи)га шахсан топширади.
<b>3.2.</b>	<b>Жорий назорат</b>	Бўлим бошлиғи (назоратчи): 5. жўнатма Ўзбекистон Респуликасининг амалдаги қонунларига мувофиқлиги ҳамда тўлов топшириқномаси тўғри расмийлаштирилганини текширади; 6. ҳужжатни имзолайди ёки пухталаштириш учун қайтаради.
<b>3.3.</b>	<b>Тўлов топшириқномасини мижозга қайтариш</b>	Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси тўлов топшириқномасининг бир нусхасига “Ижрога қабул қилинди” штампини босиб, уни мижозга қайтариб беради. Корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси тўлов топшириқномасининг 2 ва 3-нусхаларини АБТга киритиш учун бўлим/филиал Бэк-офисига топшириб, бу ҳақда жўнатилган хат-хабарлар дафтарига имзо чектиради.
	<b>МИЖОЗ БИЛАН ИШНИ ТУГАЛЛАШ</b>	Назорат билан боғлиқ барча операциялар (ушбу процедуранинг 1, 2, 3-бандларига қаранг) бўлим/филиал корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлими Фронт-офиси ходимлари томонидан шахсан, оператив тарзда бажарилади ва операция охирида ҳужжатлар мижозга берилади.
<b>4.</b>	<b>Структура №8</b>	<b>Бўлим/филиал Бэк-офиси</b>
<b>4.1.</b>	<b>Операцияларни бухгалтерия ҳисобида расмийлаштириш</b>	Бэк-офис мутахассиси жўнатма тўғрисидаги тўлов топшириқномаси асосида қуйидаги бухгалтерия қайдани амалга оширади: <b>Дт 202XX “Талаб қилиб олингунча” депозитлари”</b> <b>Кт 1610101 “Олиш учун: филиаллараро жўнатмалар бўйича”</b> Айни пайтда тўлов топшириқномасида кўрсатилган мижоз ҳисобварағидан (1-иловининг 2.9-бандига қаранг) хорижий валюта жўнатилгани учун Ўзмилийбанк тарифларига мувофиқ воситачилик ҳақи ундирилади. Бэк-офис мутахассиси воситачилик ҳақи суммасига 2та кирим-чиқим ордери расмийлаштиради ва қуйидаги бухгалтерия қайдани бажаради: <b>Дт 202XX “Талаб қилиб олингунча депозитлар”</b> <b>Кт 4525301/4525302 “Хизматлар кўрсатишдан олинган даромад: хорижий валютадаги тўлов, резидентлар” / “Хизматлар кўрсатишдан олинган даромад: хорижий валютадаги тўлов, норезидентлар”</b> Бэк-офис мутахассиси бухгалтерия қайдлари

		<p>бажарилган шахсий ҳисобварақларни қоғозга туширади.</p> <p><b>Телекси бор бўлимларда</b> Бэк-офис мутахассиси қабул қилинган тўлов топшириқномаси маълумотларини* телекс хабари шаклига киритади ҳамда бўлим/филиал бошқарувчиси ва бош бухгалтери имзолаши учун қоғозга туширади.</p> <p>* <b>Эслатма:</b> бошқарувчи ва бош бухгалтер имзолаган тўлов топшириқномаси олинмагунича БХҚМга телекс юборилмайди.</p>
4.2.	<b>Бошқарувчи ва бош бухгалтер текшириши ҳамда имзолаши учун ҳужжатларни бериш</b>	<p>Бэк-офис мутахассиси тўлов топшириқномасининг 2 ва 3-нусхаларини, воситачилик ҳақи ундириш тўғрисидаги кирим-чиқим ордерларини, бажарилган операцияларга доир кўчирмаларни ҳамда телекс хабарини қоғозга тушириб, Бэк-офис бошлиғи имзолаган нусхасини бўлим/филиал бошқарувчиси ва бош бухгалтерига имзолаш учун беради.</p>
4.3.	<b>Маблаг жўнатиш тўғрисидаги тўлов топшириқномасини БХҚМга бериш</b>	<p>Бэк-офис мутахассиси тасдиқланган (корпоратив миқозларга кизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси ва бошлиғи, бош бухгалтер, бошқарувчи имзолаган) тўлов топшириқномасини чиқувчи тўловлар дафтарида рўйхатдан ўтказилади. Ҳужжат ижро учун БХҚМнинг Лоро бўлимига кейинги иш кунидан кечикмай қуйидаги тарзда жўнатилади:</p> <p>7. Бэк-офис бошлиғи томонидан тасдиқланган телекс хабари* шаклида (телекси бор бўлим/филиалларда);</p> <p>8. тўлов топшириқномасининг 3-нусхаси фельдъегер почта алоқаси ёки курьер орқали, алоҳида хатжилдда. Унда олувчи номи (“Банклараро ҳисоб-китоб марказининг Лоро бўлими”) кўрсатилади (телекси йўқ бўлим/филиалларда).</p> <p>* <b>Эслатма:</b> телеграф калитлари жадвалини олиш тартиби қуйидагича: Электрон тўловлар бўлими бошлиғи БХҚМ СВИФТ тизими бўйича бўлим/филиал вакилига ишончнома асосида телеграф калитлари жадвалини, шунингдек ундан фойдаланиш ва сақлаш қоидаларини елимланган конвертда топширади. Бунда бўлим/филиал бошқарувчиси номига ёзилган, БХҚМ бошлиғи имзолаган илова хати ҳам бўлиши керак.</p>
4.4.	<b>Ҳужжатларни тикиш</b>	<p>Бэк-офис мутахассиси тўлов топшириқномасининг тегишлича расмийлаштирилган 2-нусхасини, воситачилик ҳақи ундириш тўғрисидаги кирим-чиқим ордерини, телекс хабарининг қоғозга туширилган нусхасини жорий кун ҳужжатларига қўшиб тикади.</p> <p>Бэк-офиснинг кейинги назорат учун масъул мутахассиси ҳужжатларни текширади.</p>
5.	<b>Структура №3</b>	<b>БХҚМ Девонхонаси</b>
5.1.	<b>БХҚМда почта орқали тўлов</b>	Девонхона мутахассиси бўлим/филиалдан адресати

	<b>топширикномасини қабул қилиш</b>	“Банклараро ҳисоб-китоб маркази Лоро бўлими” деб кўрсатилган хатжилдни имзо чекиб олгач, уни очмасдан шу операция кунининг ўзида Банклараро ҳисоб-китоб маркази Лоро бўлими мутахассисига беради ва бу ҳақда унга имзо чектиради.
<b>6.</b>	<b>Структура №4</b>	<b>БҲҚМнинг СВИФТ тизими бўйича электрон тўловлар бўлими</b>
<b>6.1.</b>	<b>БҲҚМда телекс бўйича олинган тестланган хабарни қабул қилиш</b>	Жўнатма тўғрисидаги тўлов топширикномаси телекс орқали тестланган хабар шаклида келиб тушган ҳолларда СВИФТ тизими бўйича электрон тўловлар бўлими мутахассиси бўлим/филиалнинг телекс хабаридаги индивидуал тест (шифр) калькуляцияси тўғрилигини текширади. Агар шифр тўғри бўлса, СВИФТ тизими бўйича электрон тўловлар бўлими мутахассиси “Шифр тўғри” штампини босади, имзо чекади ва тўлов топширикномасини БҲҚМ Лоро бўлими мутахассисига бериб, бу ҳақда имзо чектиради.
<b>7.</b>	<b>Структура №5</b>	<b>БҲҚМнинг Лоро бўлими</b>
<b>7.1.</b>	<b>Тўлов топширикномасини рўйхатга олиш дафтарида қайд этиш</b>	БҲҚМнинг Лоро бўлими мутахассиси жўнатма тўғрисидаги тўлов топширикномасини бўлим/филиаллар бўйича рўйхатга олиш дафтарида қайд этади: 9. маҳаллий вақт билан соат 12.00гача рўйхатга олиш дафтарида қайд жорий сана билан бажарилади; 10. соат 12.00дан кейин – кейинги иш куни санаси қўйилади (валюталар муайян кодлари учун дам олиш кунлари ҳам ҳисобга олинади). Ҳар бир бўлим/филиал учун алоҳида рўйхатга олиш дафтари расмийлаштирилади. Рўйхатга олинган тўлов топширикномалари Лоро бўлимининг тегишли бўлим/филиалга хизмат кўрсатилиши учун масъул мутахассисига ижро учун берилади ва у хужжатни ижрога қабул қилган сана ва вақтни кўрсатган ҳолда имзо чекади.
<b>7.2.</b>	<b>Олинган тўлов топширикномасини текшириш</b>	БҲҚМнинг Лоро бўлими мутахассиси қуйидагиларни текширади: 11. почта орқали олинган тўлов топширикномасида қўйилган бўлим/филиал бошқарувчиси ва бош бухгалтерининг имзолари ҳамда муҳр изи бўлим/филиал имзолар карточкасидаги намуналарга мувофиқлиги; 12. тўлов топширикномасида ваколатли шахслар имзолари ва корхона муҳрининг изи борлиги; 13. телекс орқали олинган тестланган хабарда СВИФТ тизими бўйича электрон тўловлар бўлимининг “Шифр тўғри” штампини борлиги.
<b>7.3.</b>	<b>Тўловга доир кўрсатмаларни АБТга киритиш</b>	БҲҚМнинг Лоро бўлими мутахассиси тўловга доир кўрсатмаларни АБТга киритади ва қуйидаги бухгалтерия қайдни бажаради: Дт <b>2220201</b> “Тўлов учун: филиаллараро жўнатмалар

		<p>бўйича”  <b>Кт 1050100/2100201</b> “Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварағидан олиш учун-Ностро”/ “Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобварағига тўлаш учун-Востро”  Тўловга доир кўрсатмалар АБТга киритилгани тасдиқланганидан кейин БҲҚМнинг Лоро бўлими мутахассиси тўлов топшириқномасига имзо чекади, ижрочи штампини босади, АБТга киритилган транзакция номерини қўяди ҳамда тўлов топшириқномасини муаллифлаштириш (тўлов юзасидан киритилган кўрсатмаларни маъқуллаш) учун БҲҚМнинг Лоро бўлими бошлиғи (назоратчи)га беради.</p>
<b>7.4.</b>	<b>Тўлов юзасидан АБТга киритилган кўрсатмалар тўғрилигини текшириш ва жорий назорат қилиш</b>	<p>БҲҚМнинг Лоро бўлими бошлиғи (назоратчи) тўлов юзасидан АБТга киритилган кўрсатмалар тўғрилиги тўлов топшириқномасидаги кўрсатмаларга мувофиқ текширилиб, жорий назорат қилинганидан кейин АБТда тўловни муаллифлаштиради ҳамда тўлов топшириқномасига имзо чекади (ёки уни пухталаштириш учун қайтаради).  БҲҚМнинг Лоро бўлими бошлиғи муаллифлаштириш операциясини бажарганидан кейин АБТда тўлов топшириқномасининг киритилган кўрсатмаларига мувофиқ автоматик тарзда СВИФТ андозавий хабари шаклланади. Муаллифлаштирилганидан кейин тўлов топшириқномаси БҲҚМнинг Лоро бўлимидаги махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади ҳамда релиз учун БҲҚМ бошлиғининг чиқувчи тўловларни муаллифлаштириш бўйича ўринбосарига берилади.</p>
<b>8.</b>	<b>Структура №6</b>	<b>БҲҚМ бошлиғининг чиқувчи тўловларни муаллифлаштириш бўйича ўринбосари</b>
<b>8.1.</b>	<b>Хабарни текшириш ва СВИФТ тизимида жўнатиш (релиз)</b>	<p>БҲҚМ бошлиғининг ўринбосари:  14. АБТга киритилган тўловга доир кўрсатмалар тўғрилигини ҳамда тўлов топшириқномасидаги кўрсатмаларга мувофиқлигини жорий назорат қилади ва текширади;  15. тўловга доир кўрсатмалар СВИФТ андозаларига мувофиқлигини жорий назорат қилади ва текширади;  16. тўлов топшириқномасини имзолайди;  17. хабарни СВИФТ тизимида жўнатади (релиз);  18. муаллифлаштирилган тўлов топшириқномасини БҲҚМнинг электрон тўловлар ўтишини назорат ва мониторинг қилиш бўлими супервайзерларига тўловга доир кўрсатмалар ижросини кейинги назорат қилиш учун беради.  Тўловга доир кўрсатмалар ноқонуний, тўлов топшириқномаси шартларига, СВИФТ тизими бўйича тўловлар халқаро андозаларига номувофиқ бўлиб чиққан ёки нотўғри расмийлаштирилган</p>

		<p>ҳолларда БҲҚМ бошлиғининг ўринбосари тўлов топшириқномасини бекор қилади ва ҳужжатларни пухталаштириш учун БҲҚМнинг Лоро бўлими бошлиғига қайтаради. Ҳужжат БҲҚМ бошлиғининг ўринбосари томонидан узил-кесил муаллифлаштирилганидан кейин АБТда СВИФТ хабари БҲҚМнинг СВИФТ тизими бўйича электрон тўловлар бўлимига автоматик тарзда бориб тушади ва бу ердан автоматик тарзда бенефициар банкига жўнатилади.</p>
<b>9.</b>	<b>Структура №5</b>	<b>БҲҚМнинг Лоро бўлими</b>
<b>9.1.</b>	<b>Тузатиш қайдани расмийлаштириш</b>	<p>БҲҚМнинг Лоро бўлими бошлиғи (назоратчи) бўлим мутахассисига тўлов топшириқномасини ҳамда СВИФТ хабарининг қоғозга чиқарилган нусхасини тузатиш қайди расмийлаштириш учун беради. Тузатиш қайди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 16.11.1998 йилда 533-сон билан рўйхатга олинган йўриқномага мувофиқ, белгиланган тартибда расмийлаштирилади.</p>
<b>10.</b>	<b>Структура №7</b>	<b>БҲҚМнинг Электрон тўловлар ўтишини назорат ва мониторинг қилиш бўлими</b>
<b>10.1</b>	<b>СВИФТ тизими бўйича тўловга доир кўрсатмалар ижросини кейинги назорат қилиш</b>	<p>БҲҚМнинг Электрон тўловлар ўтишини назорат ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғи (супервайзер) СВИФТ тизими бўйича бажарилган тўловлар сони тўғрисида АБТда шаклланган статистика ҳисоботини қоғозга чиқаради ҳамда маълумотни БҲҚМ бошлиғига тасдиқлаш учун тақдим этади. Ҳисоботда тафовутлар аниқланса, ҳужжатлар хизмат текшируви ўтказиш ҳамда Банк Бошқаруви Раиси ва/ёки унинг ўринбосарига ахборот бериш учун Банклараро ҳисоб-китоб маркази бошлиғига тақдим этилади.</p> <p>Супервайзер АБТда шаклланган СВИФТ хабарини тўлов топшириқномаси билан таққослаш орқали кейинги назоратни амалга оширади. Бунда қуйидагилар текширилади:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>19. муаллифлаштириш қодаларига риоя этилгани (БҲҚМнинг Лоро бўлими мутахассиси, БҲҚМнинг Лоро бўлими бошлиғи, БҲҚМ бошлиғининг ўринбосари қўйган имзолар борлиги ва улар намунадагисига мослиги);</li> <li>20. жўнатувчи номи тўғрилиги;</li> <li>21. тўлов суммаси тўғри кўрсатилгани;</li> <li>22. валюта тўғри кўрсатилгани;</li> <li>23. валюталаш санаси тўғрилиги;</li> <li>24. бенефициар банки тўғри кўрсатилгани;</li> <li>25. бенефициар номи тўғрилиги.</li> </ol> <p>СВИФТ хабаридаги тўловга доир кўрсатмаларнинг қоғоздаги нусхаси тўғрилиги текширилгач, БҲҚМнинг Электрон тўловлар ўтишини назорат ва мониторинг қилиш бўлими супервайзери СВИФТ хабари тўлов кўрсатмаларининг қоғозга чиқарилган бир нусхасига имзо чекади, “Текширилди” штампини</p>

		босади ва уни БҲҚМ Лоро бўлимининг ваколатли ходимига топшириб, бу ҳақда имзо чектиради. Хужжатлар номувофиқлиги аниқланган ҳолларда БҲҚМнинг Электрон тўловлар ўтишини назорат ва мониторинг қилиш бўлими супервайзери хужжатларни маъқуллашдан бош тортади ва БҲҚМнинг Лоро бўлимига қайтаради. Айни пайтда Банклараро ҳисоб-китоб маркази бошлиғига, БҲҚМнинг Электрон тўловлар ўтишини назорат ва мониторинг қилиш бўлими бошлиғига хизмат текшируви ўтказиш учун дарҳол хабар беради.
<b>11.</b>	<b>Структура №5</b>	<b>БҲҚМнинг Лоро бўлими</b>
<b>11.1.</b>	<b>АБТда ўтказилмаган тўловлар тўғрисидаги ҳисобот таҳлили</b>	БҲҚМнинг Лоро бўлими бошлиғи ҳар куни АБТда 4930-шаклдаги “Ўтказилмаган тўловлар тўғрисида ҳисобот”ни таҳлил қилади ҳамда уни Банклараро ҳисоб-китоб маркази бошлиғига беради. Зарурат бўлса, таҳлил натижалари кўриб чиқиш учун банк раҳбариятига тақдим этилади.
<b>11.2.</b>	<b>Хужжатларни расмийлаштириш ва тўплаш</b>	Бўлим мутахассиси “Кундалик хужжатлар” йиғмажилди учун хужжатларни тўплайди. Булар: 26. бўлим/филиал тўлов топшириқнома-си / бўлим/филиалнинг телекс хабари; 27. норезидент банкка юбориладиган, имзоланган СВИФТ хабари. Шу тадбирлардан кейин бўлим мутахассиси хужжатларни “Кундалик хужжатлар” йиғмажилдига тикиб қўйиш учун банк ички операциялари ҳисобини юритиш бўлимига беради.
<b>12.</b>	<b>Структура №8</b>	<b>Банк ички операциялари ҳисобини юритиш бўлими</b>
<b>12.1.</b>	<b>Кундалик хужжатларни тикиш</b>	Банк ички операциялари ҳисобини юритиш бўлими мутахассиси хужжатларни саналари бўйича тикади.

Хорижий валюта жўнатиш тўғрисидаги тўлов топшириқномасининг намунаси

<b>Тўловчи томонидан инглиз тилида тўлдирилади (Fill up by remitter).</b>		Т.р.н №:
Тўлов топшириқномас и: <i>Payment order: №</i> _____	Сана  Dd _____	
50. Тўловчи ҳисобварағи ва номи. <i>Remitter`s account and name.</i>	АСС.NO. _____	
52. Тўловчи банки. <i>Remitter`s bank.</i>		
32. Жўнатма валютаси ва суммаси (рақам ва сўз билан). <i>Currency, amount (in figures, in words).</i>		

57. Бенефициар банкининг номи (манзил, шаҳар, мамлакат, бошқа мавжуд маълумотлар). <i>Beneficiary's bank (address, city, country, other details).</i>		
56. Бенефициар банки билан вакиллик алоқасидаги банк жўнатма валютасида <b>Correspondent of beneficiary's bank by currency of transfer.</b>		
59. Бенефициар ҳисобварағи ва номи. <i>Beneficiary's account and name.</i>	ACC.NO.	
70. Тўлов мақсади (бенефициар учун маълумот). <b>Details of payment</b> <i>(information for beneficiary).</i>		
72. Жўнатмага доир алоҳида шартлар (тўловчи банки учун маълумот). <i>Special terms of transfer.</i> <i>(information for remitter's bank).</i>		
Тўловчи банкининг воситачилик ҳақи ушбу ҳисобварақдан олинсин: <i>Remitter's bank charges to be written off the account:</i>		
71. Хорижий банк воситачилик ҳақини тўлайди <i>Foreign bank charges to be paid by:</i>	ACC.NO.	
Тўловчи. <i>(Remitter. "OUR"</i>		
Бенефициар. <i>(Beneficiary. BEN"</i>		
Тўловчи, раҳбар имзоси. <i>Signature of remitter, manager.</i>	Мухр. <i>Seal.</i>	
Бош бухгалтер имзоси <i>Signature of chief accountant.</i>		
<b>Тўловчи банки ходимлари тўлдиради.</b> Банкимиз ҳисобварағини дебетлашингизга рухсат этамиз.		
<b>Банк БҲКМ ходимларининг қайдлари ва имзолари .</b>		
Бўлим/филиал бошқарувчиси нинг имзоси	Мухр	Ҳисобварақда қолдиқ етарли, имзолар ва муҳр намунадагисига мос.
Бош бухгалтер имзоси		Кўрсатмалар киритилди.
Бўлим бошлиғининг имзоси		Муаллифлаштр иришнинг биринчи даражаси

Бўлим мутахассисини нг имзоси			Муаллифлашт иришнинг иккинчи даражаси	
Тўловчи банки масъул ижрочиларининг штамплари учун жой:			БХҚМ масъул ижрочиларининг штамплари учун жой:	

Хорижий валютадаги жўнатма тўғрисида тўлов топшириқномасини тўлдиришга доир умумий талаблар.

Тўлов топшириқномасининг бланки уч қисмдан иборат бўлиб, улардан:

- биринчи қисм – тўловчи томонидан тўлдирилади;
- иккинчи қисм – мижозга хизмат кўрсатаётган бўлим/филиал (тўловчи банк) бошқарувчиси, бош бухгалтери, корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимининг бошлиғи ва мутахассиси томонидан тўлдирилади;
- учинчи қисм – Банк Банклараро ҳисоб-китоб марказининг масъул мутахассислари томонидан тўлдирилади;

Тўлов топшириқномасининг таклиф этилаётган шаклидан фойдаланишга доир умумий талабларга қуйидагилар ҳам қиради:

қоғозга туширилган топшириқ аниқ ва ўқишга осон бўлиши керак. Тўлов топшириқномаси майдонларига маълумот киритилаётганда FUTURIS, ARIAL компьютер шрифтларининг фақат катта ҳарфларидан фойдаланиш (чунки булар энг осон ўқиладиган шрифтлар ҳисобланади), ҳарфлар катталигини 10 қилиб белгилаш тавсия этилади;

тўлов топшириқномасида бўялган, ўчирилган ва тузатилган жойлар бўлмаслиги керак;

хорижий валюта жўнатиш тўғрисидаги тўлов топшириқномасининг барча тўлов реквизитлари фақат лотин ҳарфларида ёзилиши керак. Чунки банклар бир-бирларига тўлов кўрсатмаларини SWIFT каналлари бўйича юбораётганларида фақат лотин ҳарфларидан фойдаланадилар. Тўловга доир кўрсатмаларни киритишда қўлланиладиган тил (чет тили) асосан, контракт қайси тилда тузилганига ҳамда тўлов қайси мамлакатга юборилаётганига қараб танланади. Чунки бунда маблағни олувчи ва унинг банки тўловга доир кўрсатмаларни тушуна олиши лозим. Ҳар қандай ҳолатда кўпроқ инглиз тилидан фойдаланилади. Фақат Россия рублидаги тўловлар бундан мустасно. Бундай ҳолларда тўловга доир кўрсатмаларни лотин ҳарфларида рус тилида киритиш тавсия этилади. Ҳисоб-китоблар иштирокчиси бўлган банклар ва улар мижозларининг номлари ҳамда реквизитлари тўғри ва тўлиқ ёзилишига алоҳида эътибор қаратилиши зарур;

тўлов топшириқномаларидаги муҳр изи ва имзолар бўлим/филиалларнинг имзолар намуналари карточкаларидагисига мос келиши керак. Муҳр изи тўлиқ, аниқ ва ёзувлари ўқиладиган бўлиши лозим;

тўлов топшириқномасининг тўловчи кўрсатган санаси мазкур топшириқ Миллий банк Банклараро ҳисоб-китоб марказига берилган санадан кўпи билан 10 кун ортиқ бўлиши мумкин. Юқорида айтилган муддатлар ва талабларга риоя этмасдан Банклараро ҳисоб-китоб марказига тақдим этилган тўлов топшириқномалари ижросиз қайтарилади.

Тўлов топшириқномаси майдонларини тўлдиришга доир махсус талаблар.

#### 2.1. 50-майдон. Тўловчи ҳисобварағи ва номи.

Мазкур майдонда тўловчи ҳисобварағининг номери ва тўловчи номи бўлиши керак. Дастлаб тўловчи ҳисобварағининг номери киритилади. Маблағ чиқариб олинган ёки чиқарилиши керак бўлган тегишли валютадаги ҳисобварақнинг аниқ ўзи кўрсатилиши зарур. Тўловчи номи ушбу тўлов учун асос бўлган импорт контрактида кўрсатилган унинг юридик реквизитларига тўла мувофиқ ҳолда, лотин ҳарфларида ёзилиши лозим.

#### **50-майдонни тўлдириш намунаси:**

<b>50</b> Тўловчи ҳисобварағи ва номи. <i>Remitter`s account and name.</i>	ACC.NO. 20214840000430683001 KABOOL-UZBEK CO LTD.
---	---

**2.2. 52-майдон. Тўловчи банки.**

**Банк бўлим/филиали томонидан 52-майдонни тўлдириш намунаси:**

<b>52</b> Тўловчи банки. <i>Remitter`s bank.</i>	MAIN OPERATIONAL BRANCH OF NATIONAL BANK OF UZBEKISTAN, TASHKENT, UZBEKISTAN.
---	---

**2.3. 32-майдон. Жўнатма валютаси ва суммаси  
(рақам ва сўз билан).**

Мазкур майдонда маблағларни пировард олувчи – бенефициарга тўланиши керак бўлган тегишли хорижий валютадаги аниқ сумма кўрсатилиши лозим. Бунда дастлаб тўлов ўтказиладиган хорижий валютанинг уч харфли коди кўрсатилади. Қуйида юридик шахслар маблағ жўнатаётганда кўп қўлланиладиган хорижий валюталарга берилган харфли кодлар жадвали тақдим этилмоқда:

USD	АҚШ доллари.	EUR	Евро.
GBP	Англия фунти.	UAH	Украина гривнаси.
CHF	Швейцария франки.	SEK	Швеция кронаси.
JPY	Япония йенаси.	RUB	Россия рубли.

Шундан кейин жўнатма суммаси кўрсатилади. Жўнатма суммаси кўрсатилаётганда мингликлар ва миллионларни ажратиш учун нуқта ёки бўш жой (пробел)лардан, шунингдек центлар, копейкалар ва бошқаларни ажратиш учун вергуллардан фойдаланиш лозим. Масалан: USD 1.287.987,50 ёки USD 1 287 987,50. Юқорида кўрсатилганидек, тўлов топширикномаси тўлдирилаётганда инглиз тилидан фойдаланиш тавсия этилади. Бу талаб сумма сўз билан ёзилишига тааллуқли эмас.

**32-майдонни тўлдириш намунаси:**

<b>32</b> Жўнатма валютаси ва суммаси (рақам ва сўз билан). <i>Currency, amount (in figures, in words).</i>	USD 1.287.987,50 БИР МИЛЛИОН ИККИ ЮЗ САКСОН ЕТТИ МИНГ ТЎҚҚИЗ ЮЗ САКСОН ЕТТИ ДОЛЛАР ЭЛЛИК ЦЕНТ.
---	--

**2.4. 57-майдон. Бенефициар банкнинг номи  
(манзил, шаҳар, мамлакат, бошқа маълумотлар).**

Мазкур майдонда бенефициар банкнинг тўлиқ реквизитлари бўлиши керак. Банкнинг тўлиқ реквизитлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) банкнинг тўлиқ номи (қисқартирилган номлардан фойдаланмасликка ҳаракат қилиш керак);

б) батафсил манзил. Бунда бенефициар банки жойлашган мамлакат ва шаҳар, шунингдек манзилнинг бошқа мавжуд тафсилотлари (кўча, почта индекси ва бошқалар) кўрсатилиши шарт;

в) бенефициар банкка тааллуқли мавжуд ҳар қандай банк кодлари ва ҳисобварақлар номерлари. Булар вакил банкда жўнатма валютасида очилган вакиллик ҳисобварағи номери, СВИФТ коди (SWIFT ID), CHIPS UID, CHIPS ABA, CHAPS (SORT CODE), FED ABA (FEDWIRE ROUTING NUMBER), BLZ (BANKLEITZAHLEN) ва бошқалар бўлиши мумкин.

Россия рублидаги маблағлар жўнатилаётганда бенефициар банкининг Россия Федерациясининг муайян ХККМда очилган вакиллик ҳисобварағи, шунингдек бенефициар банкининг банк идентификация коди (БИК) кўрсатилиши тўловни амалга оширишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Россия рублидаги тўловлар ўтказилаётганда 57-майдонни тўлдириш намунаси:

57	Бенефициар банкининг номи (манзил, шаҳар, мамлакат, бошқа мавжуд маълумотлар). <i>Beneficiary's bank (address, city, country, other details).</i>	SBERBANK RF, MOSKVA, ROSSIYA. BIK 044853977 KOR.SCHET 30101810300000000977 V GRKTS GU TSB RF.
----	--	--

Бошқа хорижий валюталардаги тўловлар ўтказилаётганда 57-майдонни тўлдириш намунаси:

57	Бенефициар банкининг номи (манзил, шаҳар, мамлакат, бошқа мавжуд маълумотлар). <i>Beneficiary's bank (address, city, country, other details).</i>	SAVINGS BANK OF THE RUSSIAN FEDERATION, VAVILOVA STR, 19, MOSCOW, RUSSIA. SWIFT CODE: SABRRUMM.
----	--	---

2.5. 56-майдон. Бенефициар банки билан жўнатма валютасида вакиллик алоқаси ўрнатган банк.

Мазкур майдонда бенефициар банкининг вакиллик ҳисобварағига (жўнатма валютасида) хизмат кўрсатаётган воситачи банк тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Одатда катта банклар воситачи бўлишади. Шу боис, мазкур майдонда воситачи банкнинг тўлиқ номи, қаерда жойлашгани (шаҳар, мамлакат) ва СВИФТ коди (ёки бошқа ҳар қандай мавжуд банк коди) кўрсатилиши кифоя.

56-майдонни тўлдириш намунаси:

56	Бенефициар банки билан жўнатма валютасида вакиллик алоқаси ўрнатган банк <i>Correspondent of beneficiary's bank By currency of transfer.</i>	BANK OF NEW YORK, NEW YORK, NY, USA SWIFT CODE: IRVTUS3N.
----	---	---

2.6. 59-майдон. Бенефициар ҳисобварағи ва номи.

Мазкур майдонда маблағларни пировард олувчи – бенефициарнинг тўлиқ реквизитлари бўлиши ва улар қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

А) маблағларнинг пировард олувчисига хизмат кўрсатадиган, 57-майдонда кўрсатилган банкдаги (жўнатма валютасидаги) ҳисобварақ номери ;

Б) маблағларни пировард олувчининг тўловга асос бўлган импорт контрактида кўрсатилган юридик реквизитларига тўлиқ мос келадиган тўла ва тўғри номи.

Россия рублидаги маблағлар ўтказилаётганда маблағларни провард олувчининг солиқ тўловчи идентификация рақами (СТИР) кўрсатилиши тўловни амалга оширишнинг мажбурий шарти ҳисобланади.

Россия рублидаги тўловларда 59-майдонни тўлдириш намунаси:

59	Бенефициар ҳисобварағи ва номи (манзил, шаҳар, мамлакат, бошқа мавжуд маълумотлар) <i>Beneficiarie`s account and name (address, city, country, other details).</i>	ACC.NO. 40111810900000000001 CHEREPOVETSKIY METALLURGICHESKIY KOMBINAT, CHEREPOVETSK, ROSSIYA. INN 7742810703
----	--	---

Бошқа хорижий валюталардаги тўловларда 59-майдонни тўлдириш намунаси:

59	Бенефициар ҳисобварағи ва номи (манзил, шаҳар, мамлакат, бошқа мавжуд маълумотлар). <i>Beneficiarie`s account and name (address, city, country, other details).</i>	ACC.NO. 40111840900000000001 CHEREPOVETSK METALLURGICAL COMBIMATE, CHERPOVETSK, RUSSIA.
----	---	--

2.7.70-майдон. Тўлов мақсади (бенефициар учун маълумот).

Мазкур майдонда кўрсатилган маълумотлар асосан бенефициар учун мўлжалланган. Ушбу майдонда бенефициарга мазкур тўлов ўтказилиши учун асос бўлаётган битим (шартнома, контракт), инвойс (тўловнома-фактура), бажарилган ишлар далолатномаси ёки бошқа ҳужжатларнинг номери ва санаси қайд этилиши зарур. Мазкур майдондан кўзланган асосий мақсад маблағларни олувчига тўлов нима учун ва қандай битимлар асосида амалга оширилади тушуниш имконини берадиган маълумотларни ёзишдир. Маблағ олувчини қизиқтирмайдиган маълумотлар, масалан импорт битимларининг, юк-божхона декларацияларининг номерлари, саналари ва бошқалар ушбу майдонга киритилиши керак эмас. Мазкур майдонда маълумот мумкин қадар қисқа ёзилиши лозим. Россия рублидаги маблағлар ўтказилаётганда мазкур тўлов нима учун ўтказилаётгани, яъни товарлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал мулк предметларининг номлари кўрсатилиши тўловни амалга оширишнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Шунингдек, ҚҚС суммаси кўрсатилиши, акс ҳолда «ҚҚС тўланмайди» сўзлари ёзилиши зарур.

Россия рублидаги тўловларда 70-майдонни тўлдириш намунаси:

70	Тўлов мақсади (бенефициар учун маълумот). Details of payment <i>(information for beneficiary).</i>	DOGOVOR S-50/99 OT 25.01.2000., NDS – 20.000,00 RUB,ZA METALLOPRODUKTSIYU.
----	---	---

Бошқа хорижий валюталардаги тўловларда 70-майдонни тўлдириш намунаси:

70	Тўлов мақсади (бенефициар учун маълумот). Details of payment <i>(information for beneficiary).</i>	CONTRACT S-50/99 DD 25.01.2000.
----	---	------------------------------------

2.8. 72-майдон. Жўнатмага доир алоҳида шартлар (тўловчи банки учун маълумот).

Мазкур майдондаги маълумот фақат тўловчи банки (Ўзмилийбанк бўлим/филиали) учун мўлжалланган. Юқорида кўрсатилганидек, тўлов топшириқномасини тўлдираётганда инглиз тилидан фойдаланиш тавсия этилади. Лекин, бу 72-майдонни тўлдиришга тааллуқли эмас. Ушбу майдонда мазкур тўлов учун асос бўлган ҳужжатларнинг номерлари, номерлари ва саналари кўрсатилиши зарур (70-майдонда

кайд этилган хужжатлар бундан мустасно). Булар амалдаги қонунларга мувофиқ, тўлов учун асос бўла оладиган ҳамда тўловчи банки (бўлим/филиал) ходимлари кўрсатиши талаб қилинадиган импорт битимларининг паспортлари, юк-божхона декларациялари, ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзмарказбанк рухсатномалари ва бошқалар бўлиши мумкин.

72-майдонни тўлдириш намунаси:

72	<p>Жўнатмага доир алоҳида шартлар (тўловчи банки учун маълумот). <i>Special terms of transfer. (information for remitter`s bank).</i></p>	<p>ЮБД: 08015/17042000/000295 ЎЗР ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 30.03.2000 ЙИЛДАГИ 117- СОНЛИ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ.</p>
----	---	--

2.9. «Тўловчи банкнинг воситачилик ҳақи» майдони.

Ушбу майдонда тўловчи банки (банк бўлим/филиали)нинг воситачилик ҳақи олиниши керак бўлган/олинган тўловчи ҳисобварағининг муайян номери кўрсатилиши лозим.

2.10. 71-майдон. Хорижий банкнинг воситачилик ҳақи.

Халқаро тўловлар ўтказилаётганда тўлов иштирокчилари (тўловчи ва бенефициар) ўз банкларининггина эмас, айти пайтда воситачи бўлган хорижий банкнинг ҳам воситачилик ҳақини тўлашлари керак. 71-майдон хорижий банкнинг воситачилик ҳақини тўлашни ўз зиммасига олувчи томонни кўрсатиш учун мўлжалланган. Импорт контрактининг шартлари қандайлигига қараб, икки хил кўрсаткич қўлланилиши мумкин:

а) хорижий банкнинг воситачилик ҳақи тўловчи ҳисобидан ундирилади – OUR.

б) хорижий банкнинг воситачилик ҳақи бенефициар ҳисобидан ундирилади – BEN.

71-майдонда тегишли (керакли) қисмга «X» белгиси қўйилиши зарур. Мазкур майдон тўлдирилмаса, бу ҳолат хорижий банкнинг воситачилик ҳақи бенефициар ҳисобидан, яъни жўнатма суммасидан ундирилишини билдиради.

71-майдонни тўлдириш намунаси:

<b>71</b>	<p>Хорижий банк воситачилик ҳақини тўлайди:</p>	<p>Тўловчи. <b>(Remitter.</b> “OUR”</p>
	<p><b>Foreign bank charges to be paid by:</b></p>	<p>Бенефициар. <b>(Beneficiary.</b> “BEN”</p>
		X

### 3.2 Тижорат банки томонидан олиб борилаётган халқаро ҳисоб – китоб операцияларининг жорий ҳолати таҳлили

Очиқ акционерлик-тижорат «Турон» банк Самарқанд филиали ўз фаолиятини 1994 йил 5 майдан бошлади.

2008 йил давомида филиал томонидан жами 222 та мижоз жалб қилинган бўлиб, шундан: 78 та хизмат кўрсатиш, 97 та савдо, 28 та қурилиш, 12 та ишлаб чиқариш ва 7 таси бошқа турдаги корхоналардир. Шунингдек бугунги кунда филиал томонидан жами 1064 та корхона ва ташкилотларга банк хизмати кўрсатилаётган бўлиб булар: 9 та бюджет,

29 та саноат, 79 та қурилиш, 17 та қишлоқ хўжалиги, 134 та савдо, 26 та транспорт, 459 та кичик бизнес субъектлари ва 311 та бошқа турдаги корхона ва ташкилотларга банк хизматлари кўрсатилмоқда.

#### Пул-кредит сиёсати соҳасидаги ишлар аҳволининг таҳлили

Банк бўлими томонидан 2008 йил давомида Республика Пул-кредит сиёсати, вилоят, шаҳар комиссияларининг қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги ПҚ-147-сонли қарори ҳамда 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида»ги №3968 сонли Қарорлари асосида ишлар олиб борилмоқда.

2008 йил мобайнида банк бўлими кассасига 16025,6 млн сўм нақд пул қирим қилинган бўлиб, ушбу қирим қилинган нақд пулнинг асосий қисми, 7833,6 млн сўми яъни 48,8 фоизи савдо ташкилотларидан, 540,7 млн сўми 3,3 фоизи йўловчи ташувчи транспорт корхоналаридан, 3121,8 млн сўми, яъни 19,4 фоизи авиабилет сотувидан, 578,1 млн сўми, яъни 3,6 фоизи маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридан, 50,1 млн сўми, яъни 0,3 фоизи аҳолидан коммунал тўловларини қабул қилишдан, 254,6 млн сўми, яъни 1,5 фоизи валюта сотишдан, 1833,5 млн сўми, яъни 11,4 фоизи аҳоли қўлида турган буш пул маблағларини омонатларга жалб қилишдан ва 1813,2 млн сўми, яъни 11,7 фоизи бошқа тушумлардан тушган.

Банк кассасидан 2008 йил давомида 10748,3 млн сўм чиқим қилинган бўлиб, нақд пул маблағларнинг асосий қисми, 7160,3 млн сўми яъни 66,6 фоизи бюджет ташкилотлари иш ҳақи ва пенсия туловларига, 2615 млн сўм омонатчиларга ва пластик карточкаларга, 89,7 млн сўм валюта сотиб олиш учун ҳамда 883,3 млн сўм бошқа ташкилотлар иш ҳақи учун берилди.

Банк бўлимида 140 та нақд пул топширувчи савдо ташкилоти фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг барчаси билан уч томонлама инкассация шартномаси тузилган ва инкассация хизмати орқали савдо пулларини банк кассасига мунтазам равишда топшириб келмоқда.

Банк бўлими томонидан 2009 йил 1 январ ҳолатига нақд пулсиз ҳисоб китобларни йўлга қўйиш ва нақд пул маблағларини банкдан ташқари айланишини қисқартириш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарори талабларининг бажарилиши бўйича ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб банк бўлими томонидан жорий йилда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни йўлга қўйиш масадида 22 та терминаллар ўрнатилган бўлиб шундан 16 таси савдо дўконларига ўрнатилди, ушбу ўрнатилган терминаллар орқали 270,0 млн сўмлик нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилди. Шунингдек банк бўлими жами 5200 дона пластик карточкаларни муомалага чиқарган бўлиб 12 ойлик фаолияти давомида 1450 дона пластик карточкаларини жисмоний шахсларга тарқатди ва 83 та корхона, ташкилотларнинг 782,1 млн сўмлик иш ҳақлари пластик карточкага ўтказилди. Банк бўлими томонидан ўрнатилган терминаллардан 1,7 млн сўм ва пластик карточкаларни жорий қилишдан 2,7 млн сўм даромад олинди.

Пластик карточкалардаги жисмоний шахслар маблағи учун йиллик 7 фоиз  
устама, яъни 4,1 млн сўм тўлаб берилди.

ОАТ «Гурон» банк Самарқанд филиалида 2 та жамғарма касса фаолият кўрсатиб келмоқда. Шунингдек филиалда «Шодиёна», «Барҳаёт», «Имконият», «Ёш оила» ва бир

неча хил хорижий валютада қабул қилинадиган омонат турлари мавжуд бўлиб, ушбу жорий этилган омонатларга ўтган 12 ой давомида аҳоли қўлидаги 1833,5 млн сўм бўш маблағлар жалб қилинди.

2009 йилнинг 1 январ ҳолатига омонатлар қолдиги 813,3 млн сўмни, шундан хорижий валютадаги омонатлар 201 млн сўмни ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 140 фоизга кўп демакдир.

### **Иқтисодиётнинг реал секторини ҳамда ёш оилаларни қўллаб қувватлаш мақсадида амалга ошириляётган ишлар.**

Филиалда 2008 йил мобайнида иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш учун кичик бизнес субъектларига жами 1755,4 млн сўм қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ажратилган бўлиб қисқа муддатли кредитлар 1219,1 млн сўмни ташкил қилган бўлса узоқ муддатли кредитлар 536,3 млн сўмни ташкил этади. Шундан:

Саноатга 316,6 млн сўм;

Қишлоқ хўжалигига 113,4 млн сўм;

Савдо воситачилик ва айланма маблағларни тўлдириш учун 236,0 млн сўм;

Курилиш ва маиший хизмат курсатишга 666,0 млн сўм ва бошқа тармоқлар учун 423,4 млн сўмлик кредитлар ажратилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки бугунги кунда банкимиз мижозлари томонидан республикада стратегик аҳамиятга эга бўлган объектлар курилишида ҳам иштирок этиб уларни молиялаштирилмоқда, жумладан Қушработ туманидаги «Ахчобсой» сув омбори, Ургут туманидаги «Камонгорон» сув омбори шунингдек қўллаб қасб хунар коллежлари, мактаблар шулар жумласидандир.

Шунингдек филиал томонидан 2008 йил давомида дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш мақсадида 726,0 млн сўмлик факторинг операциялари амалга оширилиб ўзаро қарзларни камайтирилишга эришилди ҳамда 1365,0 млн сўмлик иқтисодий самарадорликка эришилди.

Юқоридагилардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги 308-сонли қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида кам таъминланган 54 та оилага 71,0 млн сўмлик кредитлар ажратилди.

Шунингдек қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида мижозларимизга 319,1 млн сўмлик замонавий қишлоқ хўжалик техникалари сотиб олиш учун узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда банкимиз томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармонида мувофиқ, ёш оилаларга уй жой куриш ва квартира сотиб олиш учун имтиёзли шартлар асосида узоқ муддатли 11 та ёш оилага 298,5 млн сўмлик ипотека, 4 та ёш оилага 20,5 млн сўмлик истеъмол, 5 та ёш оилага 9,4 млн сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Банк активларини ва пасивларини бошқариш.

Банк бўлими томонидан 2008 йил давомида жами 1138,1 млн сўм даромад олинди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 268,3 млн сўмга ўсишга эришилди, шундан:

368,5 млн сўми (32,3%) берилган кредитлар ҳисобига;

417,2 млн сўми (36,6%) мижозларнинг дебет оборотидан олинган;

249,2 млн сўми (22,0%) валюта операцияларидан;

27,0 млн сўми (2,4%) факторинг операциялари дисконти;

76,1 млн сўми (6,7%) бошқа банк хизматларидан олинган даромадлар ташкил этган бўлиб, банкнинг харажатлари 875,8 млн сўмни, соф фойдаси 262,3 млн сўмни, банк бўлимининг рентабеллик даражаси эса 23 фоизни ташкил этди.

### **Филиалда ташкил этилган минибанклар фаолияти тўғрисида.**

2009 йилнинг 1 январ ҳолатига ОАТ Туронбанк Самарқанд филиали томонидан 7 та мини банк ташкил этилган бўлиб булар: «Лоиш» мини банки, «Каттақўрғон» мини банки, «Фарҳод» мини банки ҳамда Самарқанд шаҳрида жойлашган «Боғисарой» мини банки, «Марҳабо» ҳамда «Саттепо» мини банкларидир.

Бугунги кунда «Фарҳод» мини банкининг жами мижозлари 59 тани ташкил қилади. Мини банк томонидан 2008 йил давомида 101,0 млн сўм даромад олинди ва 41,0 млн сўм харажат қилиниб, 60,0 млн сўм соф фойда билан яқунлади ёки рентабеллиги 59,4 фоизни ташкил этди.

«Каттақўрғон» мини банкининг жами мижозлари 76 тани ташкил қилади. Мини банк томонидан 2008 йил давомида 59,4 млн сўм даромад олинди ва 37,0 млн сўм харажат қилиниб 22,4 млн сўм соф фойда билан яқунланди ёки рентабеллиги 37,7 фоизни ташкил этди.

Оқдарё туманидаги «Лоиш» мини банкининг жами мижозлари 55 тани ташкил қилиб, мини банк томонидан 2008 йил мобайнида 87,0 млн сўм даромад олинди ва 36,8 млн сўм харажат қилиниб 50,2 млн сўм соф фойда билан яқунлади ёки рентабеллиги 57,7 фоизни ташкил этди.

«Боғисарой» мини банкининг жами мижозлари 66 тани ташкил қилади, мини банк томонидан 2008 йил давомида 53,0 млн сўм даромад олинди ва 35,1 млн сўм харажат қилиниб 17,9 млн сўм соф фойда билан яқунлади ёки рентабеллиги 33,8 фоизни ташкил қилди.



«Мархабо» мини банкининг жами мижозлари 88 тани ташкил килади, мини банк томонидан 2008 йил давомида 58,8 млн сўм даромад олинди ва 28,3 млн сўм харажат килиниб 30,4 млн сўм соф фойда билан яқунлади ёки рентабеллиги 51,8 фоизни ташкил қилди.



«Ургут» мини банкида бугунги кунда 17 та мижозга хизмат кўрсатилаётган бўлиб, мини банк даромади 2009 йил 1 январ ҳолатига 17,3 млн сўмни, харажатлари 17,1 млн сўмни, соф фойдаси 0,2 млн сўмни, рентабеллик даражаси эса 1,4 фоизни ташкил этди.

«Саттепо» мини банкининг жами мижозлари 7 тани ташкил килади, мини банк томонидан 3,2 млн сўм даромад олинди ва 3,0 млн сўм харажат килиниб 0,2 млн сўм соф фойда билан яқунлади ёки рентабеллиги 6,2 фоизни ташкил қилди.



Филиалимиз мини банклари томонидан 2008 йил давомида 379,8 млн сўм даромад олинган ва 198,3 млн сўм харажат қилиниб 181,5 млн сўм соф фойда билан яқунланган ёки рентабеллик даражаси 48 фоизни ташкил этди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки филиалимиз томонидан мини банклар фаолиятига алоҳида эътибор берилётган бўлиб, мавжуд мини банкларимизнинг барчаси зарур замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган.

Ташқи иқтисодий фаолияти ва валюта айирбошлаш амалиётлари.

**Филиал фаолиятида валюта амалиётлари ҳамда экспорт импорт операциялари ҳам мунтазам йўлга қўйилган бўлиб, 2008 йил давомида экспорт импорт операцияларидан 24,1 млн сўм даромад олинди.**

Филиалда Марказий банк Самарқанд вилоят Бош Бошқармаси томонидан берилган лицензияларга асосан 3 та валюта айирбошлаш шахобчалари ташкил этилган ва ушбу айирбошлаш шахобчалари орқали 2008 йил давомида аҳолидан 75443 АҚШ доллари харид қилиниб, 197500 АҚШ доллари сотилган ва 2418,1 минг сўм даромад олинган.

**ОАТ «Турон» банки Самарқанд филиали томонидан халқаро пул ўтказмалари орқали аҳолига сифатли хизматлар кўрсатилаётган бўлиб 2009 йил 1 январ ҳолатига жисмоний шахслар номига келиб тушган 15178,1 минг АҚШ доллари берилди ва 5779,3 минг АҚШ доллари чет мамлакатларга жўнатилди, ушбу амалиётлар орқали банк бўлими 2008 давомида 214,5 млн сўмлик даромад олишга эришилди.**

2.3. Хақаро пул ўтказмалари юзасидан жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар процедураси ва жорий ҳолати таҳлили.

Хужжат айланиши процедурасининг асосий босқичлари	
Операция номи	Пул ўтказмалари операциялари

<p><b>Тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар</b></p>	<p><u>Операция тури қуйидаги йўриқномалар билан тартибга солинади:</u></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Валютани тартибга солиш тўғрисидаги қонун;</li> <li>• “Нақд хорижий валютадаги операцияларни амалга ошириш қоидалари”, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йил 17 августда 957-сон билан рўйхатга олинган;</li> <li>• «Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларида валюта бойликлари билан касса иши тўғрисидаги низом» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 3 августда 468-сон билан рўйхатга олинган;</li> <li>• «Ваколатли банклар томонидан хорижий валютадаги ҳисобварақларни юритиш тартиби» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 22 октябрда 511-сон билан рўйхатга олинган;</li> </ul> <p>Ўзбекистон Республикаси Тижорат банки билан “Вестерн Юнион ШК Шарқ” банкдан ташқари кредит ташкилоти” МЧЖ ўртасида 200__йил _____да имзоланган шартнома.</p>
<p><b>Ҳужжат айланиши процедурасининг асосий босқичлари</b></p>	<p><b>«Вестерн Юнион» пул ўтказмалари тизимида тўловларни амалга ошириш процедураси</b></p>
<p><b>Процедура номи 7.9.1</b></p>	<p><b>Мижознинг пул ўтказмаларини бўлим томонидан «Вестерн Юнион» пул ўтказмалари тизими бўйича жўнатиш</b></p>
<p><b>◀◀Мижознинг банкка келиши▶▶</b></p>	<p>Мижоз бўлимнинг чакана операциялар бўлими фронт-офиси мутахассисига мурожаат қилади</p>
<p><b>Структура № 1</b></p>	<p>Бўлим фронт-офиси: Чакана операциялар бўлими</p>
<p><b>Мутахассис</b></p>	<p><b>Фронт-офис мутахассиси</b></p>
<p><b>Мижозга банк хизматлари турлари ва уларни амалга ошириш усуллари тушунтириш</b></p>	<p>Мутахассис қуйидагиларни бажариши шарт: Мижозни тўловларни ВЮТдан ўтказиш шартлари ва хорижий валютадаги воситачилик ҳақи тарифлари билан таништириш; жисмоний шахслар томонидан чет элга хорижий валютадаги маблағларни ўтказишга доир чекловлар тўғрисида ахборот бериш; мамлакатда тўлов чекловлари ва тизим томонидан кўрсатиладиган қўшимча хизматлар тўғрисида ахборот бериш; жўнатувчи томонидан кўрсатилган шаҳарда “Вестерн Юнион” пункти мавжудлиги ва мазкур пункт манзили тўғрисида маълумот бериш; “Вестерн Юнион” пул ўтказмаларини расмийлаштириш қоидаларини тушунтириш; Мижозга “Вестерн Юнион”нинг «Пулларни жўнатиш учун» деган бланкини тўлдиришни таклиф этиш.</p>
<p><b>Мижоздан ҳужжатларни қабул</b></p>	<p>Мутахассис мижоздан қуйидагиларни қабул қилади:</p>

<p><b>қилиш</b></p>	<p>“Вестерн Юнион”нинг «Пулларни жўнатиш учун» деган бланки (2 нусха);</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• «Талаб қилиб олингунча» валюта ҳисобварағини очиш учун ариза-application (1 нусха);</li> <li>• Имзолар намунаси туширилган карточка (2 нусха).</li> </ul> <p><b>Махсус шартлар:</b></p> <p>- Банкда мижоз номига АҚШ доллариди «Талаб қилиб олингунча» валюта ҳисобварағи очилган бўлиши керак, бундай ҳисобварақ йўқ бўлган тақдирда мутахассис мазкур ҳисобварақни очишни таклиф этади.</p> <p>«Талаб қилиб олингунча» валюта ҳисобварағи «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги 1-сонли йўриқномага мувофиқ очилади.</p>
<p><b>Хизматларни амалга ошириш бўйича банк назоратини амалга ошириш учун зарур бўлган қўшимча ҳужжатларни мижоздан олиш</b></p>	<p>Мижоз банк мутахассисига қуйидагиларни беради:</p> <p>Шахсни тасдиқловчи ҳужжат;</p> <p>Жисмоний шахслар томонидан чет элга хорижий валютани ўтказиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида кўзда тутилган тегишли ҳужжатлар (яқин қариндошчилигини тасдиқловчи ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, никоҳ гувоҳномаси ва ҳ.к.).</p>
<p><b>Дастлабки назорат</b></p>	<p>Банк мутахассиси ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганини текширади:</p> <p>“Вестерн Юнион” бланкидаги ва ариза-applicationдаги сана банкка тақдим этилган санага мувофиқ бўлиши керак;</p> <p>Мижознинг тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган реквизитлари шахсни тасдиқловчи ҳужжатлардаги маълумотлар билан мос бўлиши керак.</p>
<p><b>Ҳужжатларни расмийлаштириш</b></p>	<p>Мутахассис:</p> <p>1. ариза-applicationга имзо чекади;</p> <p>“Вестерн Юнион” бланкининг ўнг қисмини тўлдиради;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• «Талаб қилиб олингунча» валюта ҳисобварағини очиш тўғрисидаги ариза-applicationни Мижозларни рўйхатга олиш дафтарида қайд этади;</li> </ul> <p>1) ариза – applicationга қайд этиш дафтаридаги унинг рақамини ёзиб қўяди.</p> <p>2) Ҳисобварақ очиш тўғрисидаги фармойишни расмийлаштиради (2 нусха).</p>

<b>Хужжатларни назоратчига имзо қўйиш учун бериш</b>	Мутахассис қўйидагиларни имзолаш учун назоратчига беради: «Талаб қилиб олингунча» валюта ҳисобварағини очиш тўғрисидаги ариза-application; “Вестерн Юнион”нинг «Пул жўнатиш учун» деган бланки (2 нусха); Ҳисобварақ очиш тўғрисидаги фармойиш (2 нусха).
<b>Назоратчи</b>	<b>Бўлимга бошлиғи</b>
<b>Жорий назорат</b>	Назоратчи ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлигини жорий назоратдан ўтказди. Назорат натижаси муваффақиятли бўлганини тасдиқлаб, назоратчи юқорида санаб ўтилган ҳужжатларни имзолайди ва уларни Фронт-офис мутахассисига қайтариб беради.
<b>Мутахассис</b>	<b>Фронт-офис мутахассиси</b>
<b>Бэк-офисга фармойиш бериш</b>	Мутахассис ижро этиш учун ҳисобварақ очиш тўғрисидаги фармойишнинг бир нусхасини Бэк-офисга беради.
<b>Нақд пул бадали учун банк ҳужжатларини тўлдириш</b>	Мутахассис: Белгиланган тарифларга мувофиқ воситачилик ҳақини ҳисоб-китоб қилади, шунингдек 18% ва 82%ли воситачилик ҳақини ҳисоб-китоб қилади; Мижоздан кирим ордерини (ўтказма суммасида (3 нусхада) ва тарифга мувофиқ воситачилик ҳақи суммасида (3 нусхада) тўлдиришини илтимос қилади; Кирим ордерига мувофиқ мемориал ордерини расмийлаштиради (3 нусхада); Ордерларга имзо чекади; Назоратчидаги ордерларга имзо чекади; Мижоздан юқорида кўрсатилган кирим ордерлари учун кассага пул тўлашни сўрайди; мемориал ордерларини АБТга киритиш учун Бэк-офисга тақдим этади.
<b>Структура № 2</b>	<b>Бўлим бэк-офиси</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Бэк-офис мутахассиси</b>
<b>Мижоз билан операциялар расмийлаштирилаганидан сўнг нақд пулни қабул қилишга доир қўйидаги қайдлар амалга оширилади</b>	<b>Ўтказма суммасида</b> <b>Дебет 10101</b> – Касса <b>Кредит 20206</b> – Мижознинг хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозити <b>Дебет 20206</b> – Мижознинг хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозити <b>Кредит 19997/29801</b> – Бўлим билан БҲҚМнинг ўзаро ҳисоб-китоблари учун бўлимдаги транзит ҳисобварағи <b>Банк воситачилик ҳақи ва WESTERN UNION хизматлари суммасида</b> <b>Дебет 10101</b> – Касса <b>Кредит 17305/23206</b> – Амалга оширилган операциялар учун воситачилик ҳақи жамғариладиган транзит ҳисобварағи <b>Дебет 17305/23206</b> – Амалга оширилган

	<p>операциялар учун воситачилик ҳақи жамғариладиган транзит ҳисобварағи</p> <p><b>Кредит 19997/29801</b> – Бўлим билан БХҚМнинг ўзаро ҳисоб-китоблари учун бўлимдаги транзит ҳисобварағи (воситачилик ҳақи умумий суммасининг 82 % миқдорида (<i>ҳисоб-китобларга кўра</i>))</p> <p><b>Кредит 45253</b> – Банк Даромад ҳисобварағи – банк воситачилик ҳақи суммасида (воситачилик ҳақи умумий суммасининг 18%и миқдорида)</p> <p><i>Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 61-сонли йўриқномаси 3-боб, 30-бандига мувофиқ ҳисобварақга маблағлар пул амалда келиб тушганидан сўнггина киритилади.</i></p> <p>Кирим ва чиқим ҳужжатларининг электрон ва қоғоздаги нусхаларини жисмоний шахслар операциялари билан шуғулланувчи банк мутахассисидан кассирга паралел равишда юбориб турадиган АБТ қўлланилган тақдирда операция бажарилганини кассир тасдиқламағунига қадар ҳисобварақ бўйича реал қайд амалга оширилмайди.</p>
<b>Назоратчи</b>	<b>Бэк-офис бошлиғи</b>
<b>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</b>	Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади
<b>Структура №1</b>	<b>Бўлим фронт-офиси: Чакана операциялар бўлими</b>
<b>Операция тўғрисидаги маълумотларни Вестерн Юнион тизимига киритиш</b>	Мутахассис ВЮТга ўтказма тўғрисидаги ахборотни киритади ва жўнатма муваффақиятли бўлганлиги ўн хонали назорат рақами кўринишида тасдиқланганидан сўнг, маълумотнинг нусхасини экрандан қоғозга босиб чиқаради (1 нусхада).
<b>Ҳужжатларни мижозга бериш</b>	Расмийлаштирилган қуйидаги ҳужжатларни мижозга бериш: Шахсни тасдиқловчи ҳужжат; Вестерн Юнионнинг «Ўтказмани жўнатиш учун» бланки (2-нусхаси).
<b>&lt;&lt;&lt;Мижознинг банкдан кетиши&gt;&gt;&gt;</b>	
<b>Структура №1</b>	<b>Бўлим фронт-офиси: Чакана операциялар бўлими</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Фронт-офис мутахассиси</b>

<b>Ҳисобот ахборотини БОга жўнатиш ва ҳужжатларни тикиб қўйиш</b>	<p>Операция куни тугаганидан ва ВЮТ бўйича жўнатмалар ҳамда пул ўтказмалари тўловларига доир якуний маълумотлар таққослаб бўлинганидан сўнг ҳар куни Пул муомаласи бош бошқармасига ҳисобот ахборотини факс орқали жўнатади (Тартибга 4-илова) (2 нусха).</p> <p>Мутахассис қуйидаги ҳужжатларни ВЮТ операцияларини тизимдан ташқари ҳисобга олиш йиғмажилдига тикиб қўяди:</p> <p>Воситачилик ҳақи ҳисоб-китоби;          мемориал ордерларнинг 2-нусхалари;          кирим ордерларининг 2-нусхалари;          қариндошчиликни тасдиқловчи ҳужжатнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;          Вестерн Юнионнинг «Пулни жўнатиш учун» деган бланки;          ВЮТга киритилган маълумотнинг қоғоздаги нусхаси;          Пул муомаласи бош бошқармасига ҳисобот маълумотининг 2-нусхаси.</p>
<b>Структура № 2</b>	<b>Бўлим бэк-офиси: Кейинги назоратни амалга оширувчи ходим</b>
<b>Ҳужжатларни таҳлил қилиш ва ҳисоботлар билан таққослаш</b>	<p>Чакана операциялар бўлимининг мутахассиси кейинги банк иш кунида соат 10дан кечиктирмаган ҳолда кейинги назорат бўлими/шўъбасига ҳужжатлар (кирим ордери, мемориал ордер) ёпиштирилган касса журналини тақдим этади.</p> <p>Навбатдаги назорат бўлими/шўъбаси мутахассиси банк касса транзакциялари бухгалтерия журналининг қоғозга босилган нусхасини олади.</p> <p>Банк транзакциялари бўйича ҳужжатлар тикмаси кейинги назорат мутахассисига ҳужжатлар расмий реквизитларни ҳам, операциялар ўтказилиши қонунийлигини ҳам текшириш учун таҳлилга берилади.</p>
<b>«Вестерн Юнион» пул ўтказмалари тизими бўйича мижознинг пул ўтказмаларини тўлаш</b>	
<b>МИЖОЗ БИЛАН ИШ БОШЛАШ</b>	
<b>◀◀Мижознинг банкка келиши▶▶</b>	<b>Мижоз бўлимнинг чакана операциялар бўлими фронт-офиси мутахассисига мурожаат қилади</b>
<b>Структура № 1</b>	<b>Фронт-офис: Чакана операциялар бўлими</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Фронт–офис мутахассиси</b>
<b>Мижозга банк хизматлари тури ва уларни амалга ошириш усулларини тушунтириш</b>	<p>Мутахассис қуйидагиларни бажариши шарт:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. мижозни ВЮТда мазкур операцияларни амалга ошириш усули билан таништириш, унга ҳужжатларни расмийлаштириш қоидаларини тушунтириш;</li> <li>2. тизимда кўрсатиладиган қўшимча хизматлар тўғрисида маълумот бериш;</li> <li>3. мижозга “Вестерн Юнион”нинг «Пул олиш учун» деган бланкни тўлдиришни таклиф этиш.</li> </ol>

<p>Мижоздан ҳужжатларни <b>қабул қилиш</b></p>	<p>Мутахассис мижоздан қуйидагиларни қабул қилади:  “Вестерн Юнион”нинг «Пул олиш учун» деган бланки (2 нусха);</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• «Талаб қилиб олингунча» валюта ҳисобварағини очиш тўғрисидаги ариза-application;</li> <li>• Имзолар намунаси туширилган карточка.</li> </ul> <p><b>Махсус шартлар:</b>  Банкда мижоз номига АҚШ долларида «Талаб қилиб олингунча» валюта ҳисобварағи очилган бўлиши керак, бундай ҳисобварақ йўқ бўлган тақдирда мутахассис мазкур ҳисобварақни очишни таклиф этади.  «Талаб қилиб олингунча» валюта ҳисобварағи «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги 1-йўриқномага мувофиқ очилади.</p>
<p>Хизматларни амалга ошириш бўйича <b>банк назоратини</b> амалга ошириш учун зарур бўлган <b>қўшимча ҳужжатларни</b> мижоздан олиш</p>	<p>Мижоз банк мутахассисига шахсни тасдиқловчи ҳужжатни беради.</p>
<p><b>Дастлабки назорат:</b></p>	<p>Банк мутахассиси ҳужжатлар тўғри тўлдирилганлигини текширади:  “Вестерн Юнион” бланкидаги ва ариза-applicationдаги сана банкка тақдим этилган санага мувофиқ бўлиши керак;  Мижознинг тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган реквизитлари шахсни тасдиқловчи ҳужжатлардаги маълумотлар билан мос бўлиши керак.</p>
<p>ВЮТда ўтказмани излаш</p>	<p>Ўтказмани ВЮТнинг қуйидаги параметрларидан бири бўйича қидириш мумкин:  Пул ўтказмасининг назорат рақами бўйича;  Олувчининг ёки жўнатувчининг фамилияси ва исми, бўйича;  Ўтказмани жўнатувчининг телефон рақами бўйича ҳам қидириб кўриш мумкин.</p>
<p>Кўздан кечириб назорат қилиш</p>	<p>Ўтказма муваффақиятли қидириб топилганидан сўнг масъул ижрочи компьютер экрандаги маълумотларни олувчи томонидан тўлдирилган “Пул олиш учун” деган бланкдаги маълумотлар билан таққослайди:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>3) Олувчининг исми, фамилияси;</li> <li>4) Жўнатувчининг исми, фамилияси;</li> <li>5) Назорат саволига жавоб (назорат саволи бўлган тақдирда);</li> <li>6) Жўнатма амалга оширилган мамлакат;</li> <li>7) Ўтказманинг тахминий суммаси.</li> </ol>
<p><b>Ҳужжатларни расмийлаштириш</b></p>	<p>Мутахассис:  2. ариза-applicationга имзо чекади;  “Вестерн Юнион” бланкининг ўнг қисмини тўлдиради;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• «Талаб қилиб олингунча» валюта ҳисобварағини</li> </ul>

	<p>очиш тўғрисидаги ариза-applicationни Мижозларни рўйхатга олиш дафтарида кайд этади;</p> <p>8) ариза – applicationга кайд этиш дафтаридаги унинг рақамини ёзиб қўяди.</p> <p>9) Ҳисобварақ очиш тўғрисидаги фармойишни расмийлаштириш (2 нусха).</p>
<b>Ҳужжатларни назоратчига имзо қўйиш учун бериш</b>	<p>Мутахассис қуйидагиларни имзолаш учун назоратчига беради:</p> <p>«Талаб қилиб олингунча» валюта ҳисобварағини очиш тўғрисидаги ариза-application;</p> <p>“Вестерн Юнион”нинг «Пул жўнатиш учун» деган бланки (2 нусха);</p> <p>Ҳисобварақ очиш тўғрисидаги фармойиш (2 нусха).</p>
<b>Назоратчи</b>	<b>Фронт-офис бошлиғи</b>
<b>Жорий назорат</b>	<p>Назоратчи ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилганлигини жорий назоратдан ўтказди.</p> <p>Назорат натижаси муваффақиятли бўлганини тасдиқлаб, назоратчи юқорида санаб ўтилган ҳужжатларни имзолайди ва уларни Фронт-офис мутахассисига қайтариб беради.</p>
<b>Мутахассис</b>	<b>Фронт-офис мутахассиси</b>
<b>Фармойишларни Бэк-офисга бериш</b>	<b>Мутахассис ижро этиш учун ҳисобварақ очиш тўғрисидаги фармойишнинг бир нусхасини Бэк-офисга беради.</b>
<b>Структура №2</b>	<b>Бэк-офис</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Бэк-офис мутахассиси</b>
<b>Валюта ҳисобварағини очиш</b>	<b>Мутахассис хорижий валютада ҳисобварақ очади.</b>
<b>Структура №1</b>	<b>Чакана операциялар бўлимининг Фронт-офиси</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Фронт-офис мутахассиси</b>
<b>Ҳужжатларни расмийлаштириш</b>	<p>10) Мазкур давр учун тариф суммасининг 18%ига ҳисоб-китобни расмийлаштиради;</p> <p>11) Қуйидаги 2та мемориал ордерни расмийлаштиради:</p> <p>-1 м\о ўтказма суммасига (2 нусха);</p> <p>-2 м\о воситачилик ҳақи суммасига (2 нусха);</p> <p>12) Ҳисоб-китобга ва мемориал ордерга имзо чекади;</p> <p>13) Ҳужжатни назоратчига имзо қўйиш учун тақдим этади.</p>
<b>Назоратчи</b>	<b>Фронт-офис бошлиғи</b>
<b>Жорий назорат</b>	<p>Назоратчи ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганини текшириб имзо чекади ва уларни Бэк-офисга оширади.</p>
<b>Структура №2</b>	<b>Бэк-офис</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Бэк-офис мутахассиси</b>
<b>АБТдаги қайдлар</b>	<p><b>Дебет 19997/29801</b> – Бўлим билан БХҚМнинг ўзаро ҳисоб-китоблари учун бўлимдаги алоҳида хорижий валюта ҳисобварағи (<i>ўтказма суммаси плюс мазкур давр учун тариф суммасининг 18 % миқдориди</i>)</p> <p><b>Кредит 20206</b> – Мижознинг хорижий валютадаги талаб қилиб олингунча депозити (<i>ўтказма</i>)</p>

	<i>суммасида)</i> <b>Кредит 45253</b> – Банк Даромад ҳисобварағи – ( <i>бўлим воситачилик ҳақи суммасида)</i>
<b>Назоратчи</b>	<b>Бэк-офис бошлиғи</b>
<b>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</b>	Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади.
<b>Структура №1</b>	Бўлим фронт-офиси: Чакана операциялар бўлими
<b>Мутахассис</b>	Фронт-офис мутахассиси
<b>Банк ҳужжатларини нақд пул бериш учун тўлдириш</b>	Мутахассис: Мижоздан олинadиган суммага чиқим ордерини тўлдиришни сўрайди (3 нусха); Чиқим ордерлари асосида мемориал ордерни тўлдиради (2 нусха); Ордерларга имзо чекади; Бўлим бошлиғи ҳузурида ҳужжатларга имзо чекади; Мижоздан нақд пул олиш учун касса олдига боришни сўрайди; АБТга киритиш учун мемориал ордерларни Бэк-офисга беради
<b>Структура № 2</b>	Бўлим бэк-офиси
<b>Мутахассис</b>	Бэк-офис мутахассиси
<b>АБТдаги қайдлар</b>	<b>Дт 20206</b> – Мижознинг хорижий валютадаги «Талаб қилиб олингунча» депозити ( <i>ўтказма суммасида</i> ) <b>Кт 10101</b> - Касса ( <i>ўтказма суммасида</i> )
<b>Назоратчи</b>	<b>Бэк-офис бошлиғи</b>
<b>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</b>	Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади
<b>Структура №1</b>	Бўлим фронт-офиси: Чакана операциялар бўлими
<b>Мутахассис</b>	Фронт-офис мутахассиси
<b>“Вестерн Юнион” тизимида операциялар тўғрисидаги маълумотларни киритиш</b>	Мутахассис ВЮТга ўтказма тўғрисидаги маълумотни киритади ва жўнатма муваффақиятли бўлганлиги ўн хонали назорат рақами кўринишида тасдиқланганидан сўнг, маълумотнинг нусхасини экрандан қоғозга босиб чиқаради
<b>Ҳужжатларни мижозга бериш</b>	ВЮТда ўтказма муваффақиятли тўланганидан сўнг қуйидагиларни бажаради: Бланкнинг ўнг қисмини тўлдириб, мижозга бланк нусхасини қайтаради; Шахсни тасдиқловчи ҳужжатни қайтаради;
<b>&lt;&lt;&lt; Мижознинг банкдан кетиши &gt;&gt;&gt;</b>	
<b>Структура №1</b>	Чакана операциялар бўлими Фронт-офиси
<b>Мутахассис</b>	Фронт-офис мутахассиси

<p>Ҳисобот ахборотини БОга жўнатиш ва ҳужжатларни тикиб қўйиш</p>	<p>Операция куни тугаганидан ва ВЮТ бўйича жўнатмалар ҳамда пул ўтказмалари тўловларига доир якуний маълумотлар таққослаб бўлинганидан сўнг ҳар куни Пул муомаласи бош бошқармасига ҳисобот ахборотини факс орқали жўнатади (Тартибга 4-илова).</p> <p>Мутахассис қуйидаги ҳужжатларни ВЮТ операцияларини тизимдан ташқари ҳисобга олиш йиғмажилдига тикиб қўяди:</p> <p>Воситачилик ҳақи ҳисоб-китоби;          мемориал ордерларнинг 2-нусхалари;          чиқим ордерларининг 2-нусхалари;          Вестерн Юнионнинг «Пул олиш учун» деган бланки;          ВЮТга киритилган маълумотнинг қоғоздаги нусхаси;          Пул муомаласи бош бошқармасига ҳисобот маълумотининг 2-нусхаси.</p>
<p><b>Структура № 2</b></p>	<p><b>Бэк-офис: Кейинги назоратни амалга оширувчи ходим</b></p>
<p><b>Мутахассис</b></p>	<p><b>Бэк-офис мутахассиси</b></p>
<p><b>Ҳужжатларни таҳлил қилиш ва ҳисоботлар билан таққослаш</b></p>	<p>Чакана операциялар бўлимининг мутахассиси кейинги банк иш кунида соат 10дан кечиктирмаган ҳолда кейинги назорат бўлими/шўъбасига ҳужжатлар (кирим ордери, мемориал ордер) ёпиштирилган касса журналинини тақдим этади.</p> <p>Чакана операциялар бўлими/шўъбаси мутахассиси банк касса транзакциялари бухгалтерия журналининг қоғозга босилган нусхасини олади.</p> <p>Банк транзакциялари бўйича ҳужжатлар тикмаси кейинги назорат мутахассисига ҳужжатлар расмий реквизитларини ҳам, операциялар ўтказилиши қонунийлигини ҳам текшириш учун таҳлилга берилади.</p>
<p><b>Процедура номи 7.11.3.</b></p>	<p><b>БХҚМ фойдасига ижобий сальдо бўлган тақдирда, бўлимларнинг БХҚМ билан ўзаро ҳисоб-китоби</b></p>

<b>Структура № 1</b>	<b>Бўлим фронт-офиси: Чакана операциялар бўлими</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Фронт-офис мутахассиси</b>
<b>Фармойишни тайёрлаш</b>	<i>Ҳисобот даври мобайнида ВЮТ бўйича тўловлар ва пул ўтказмаларини жўнатиш юзасидан транзит ҳисобварагида кредит қолдиги бўлган тақдирда, мутахассис бўлимнинг Бэк-офисига БҲКМга маблағларни ўтказиш тўғрисидаги фармойишни тайёрлайди ҳамда бўлим бошқарувчиси ва бош бухгалтерига имзо чекиш учун тақдим этади.</i>
<b>Назоратчи</b>	<i>Бўлим бошқарувчиси ва бош бухгалтери назоратни амалга ошириб, мазкур фармойишга имзо чекади ва уни ижро этиш учун Бэк-офисга жўнатади.</i>
<b>Структура № 2</b>	<b>Бўлим Бэк-офиси</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Бэк-офис мутахассиси</b>
<b>Банк ҳужжатларини расмийлаштириш</b>	<b>Бэк-офис мутахассиси олинган фармойиш асосида куйидагиларни бажаради:</b> Мемориал ордерни тўлдиради (2 нусха); Унга имзо чекиб, ўз штампини босади; Бўлим бошлиғи ва банк раҳбариятига имзолатади; АБТга киритади; БҲКМга жўнатиш учун ҳужжатлар йиғма жилдини (хорижий валютадаги тўлов топширикномасини) тайёрлайди.
<b>АБТдаги қайдлар</b>	<b>Дебет 19997/29801</b> – Бўлим билан БҲКМнинг ўзаро ҳисоб-китоблари учун бўлимдаги алоҳида хорижий валюта ҳисобварағи <b>Кредит 16101</b> – Филиаллараро ўтказмаларни олиш учун.
<b>Назоратчи</b>	<b>Бэк-офис бошлиғи</b>
<b>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</b>	Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади
<b>Структура № 3</b>	<b>БҲКМ пластик карточкалари бўйича тўловлар бухгалтерия ҳисоби бўлими</b>

<b>Мутахассис</b>	<b>Бўлим мутахассиси</b>
<b>Бўлимдан келиб тушган маблағларни ҳисобга киритиш</b>	Мутахассис: Бўлимлардан ўтказмалар бўйича олинган маблағларни “Вестерн Юнион” компанияси билан бундан буёнги ўзаро ҳисоб-китоблар учун жамғарма ҳисобварағига киритади; факс, телефон воситалари орқали Пул муомаласи бош бошқармаси ва бўлимлар билан бирга таққослашни амалга оширади.
<b>АБТдаги қайдлар</b>	Мутахассис куйидаги қайдларни бажаради: <b>Дебет 22202</b> – Филиаллараро ўтказмалар бўйича тўловлар <b>Кредит 19997/29801</b> – БҲҚМ билан WESTERN UNION ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар учун БҲҚМда хорижий валютадаги алоҳида шахсий ҳисобварақ.
<b>Назоратчи</b>	<b>Бўлим бошлиғи</b>
<b>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</b>	Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади
<b>Процедура номи 7.11.4.</b>	<b>Бўлим фойдасига ижобий сальдо бўлган тақдирда БҲҚМ билан бўлимлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар</b>
<b>Структура № 3</b>	<b>БҲҚМ пластик карточкалари бўйича тўловлар бухгалтерия ҳисоби бўлими</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Бўлим мутахассиси</b>
<b>Бўлим Дебет қолдиғини ҳисобига ўтказиш</b>	Операция куни яқунлари бўйича бўлимнинг ўзаро ҳисоб-китоблар учун ҳисобварғида дебет қолдиғи вужудга келган бўлса, БҲҚМ мазкур дебет қолдиғини тегишли бўлим ҳисобварағига ўтказиш ва бўлимга бериш учун ҳужжатлар тўпламини тайёрлайди (вакиллик ҳисобварағидан кўчирма, операциялар бўйича илова (СВИФТ хабаридан нусха).
<b>АБТдаги қайдлар</b>	<b>Дебет 19997/29801</b> - БҲҚМ билан WESTERN UNION ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар учун БҲҚМда хорижий валютадаги алоҳида шахсий ҳисобварақ. <b>Кредит 22202</b> - Филиаллараро ўтказмалар бўйича тўловлар
<b>Назоратчи</b>	<b>Бўлим бошлиғи</b>
<b>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</b>	Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади
<b>Структура № 2</b>	<b>Бўлим бэк-офиси</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Бэк-офис мутахассиси</b>

<b>АБТдаги қайдлар</b>	БҲҚМдан “Вестерн Юнион” ўтказмалари бўйича валюта маблағлари келиб тушганидан сўнг қуйидаги қайдлар амалга оширилади: <b>Дебет 16101</b> – Филиаллараро ўтказмалар бўйича маблағларни олиш учун <b>Кредит 19997/29801</b> – бўлим билан БҲҚМнинг ўзаро ҳисоб-китоблари учун БҲҚМда хорижий валютадаги алоҳида шахсий ҳисобварақ.
<b>Назоратчи</b>	<b>Бэк-офис бошлиғи</b>
<b>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</b>	Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади
<b>Процедура номи 7.11.5.</b>	<b>БҲҚМнинг «Вестерн Юнион» билан ўзаро ҳисоб-китоблари</b>
<b>Структура № 3</b>	<b>БҲҚМ пластик карточкалари бўйича тўловлар бухгалтерия ҳисоби бўлими</b>
<b>Мутахассис</b>	<b>Бўлим мутахассиси</b>
<b>“Вестерн Юнион” фойдасига ижобий сальдо</b>	Агар ҳисобот даврида «Вестерн Юнион» фойдасига ижобий сальдо вужудга келган бўлса, БҲҚМ “Вестерн Юнион”га тегишли бўлган пул маблағлари суммасини Вестерн Юнионнинг Bankers Trust Company, New York, N.Y. № 04-872-834 Western Union MT EAST LTDдаги вакиллик ҳисобварағига ўтказди, Пул муомаласи бош бошқармасининг фармойишига биноан қайд бажарилади.
<b>АБТдаги қайдлар</b>	<b>Дебет 19997/29801</b> - Отдельный лицевой счет в иностранной валюте для взаиморасчетов МБРЦ и WESTERN UNION в МБРЦ <b>Кредит 10501</b> - Хорижий валютадаги вакиллик ҳисобварағи
<b>Назоратчи</b>	<b>Бўлим бошлиғи</b>
<b>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</b>	Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади
<b>Ўзмиллийбанк фойдасига ижобий сальдо</b>	Агар ҳисобот даврида Ўзмиллийбанк фойдасига ижобий сальдо ҳосил бўлган бўлса, қайд амалга оширилади.
<b>АБТдаги қайдлар</b>	<b>Дебет 10501</b> - Хорижий валютадаги вакиллик ҳисобварағи. <b>Кредит 19997/29801</b> - БҲҚМ билан WESTERN UNION ўртасида ўзаро ҳисоб-китоблар учун БҲҚМда хорижий валютадаги алоҳида шахсий ҳисобварақ.
<b>Назоратчи</b>	<b>ЛОРО бўлими бошлиғи</b>
<b>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</b>	Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади
<b>Процедура 7.11.6.</b>	<b>«Вестерн Юнион»нинг воситачилик ҳақидан тўловлар манбаидаги даромад солиғини БҲҚМда босиб қолиш</b>
<b>Структура № 3</b>	<b>БҲҚМ пластик карточкалари бўйича тўловлар бухгалтерия ҳисоби бўлими</b>

Мутахассис	Бўлим мутахассиси
<p>Пул муомаласи бош бошқармасидан солиқларни ўтказиш тўғрисидаги фармойишни олиш</p>	<p>Шартномага қўшимчақилинган 1-битимга мувофиқ банк тўлов манбаидан даромад солиғи, ўтказмаларни жўнатганлик учун «Вестерн Юнион» воситачилик ҳақидан (82%) 20% миқдоридаги маблағни Ўзбекистон Республикаси бюджетига ўтказиш учун ундириб олади.</p> <p>Мутахассис Пул муомаласи бош бошқармасидан олинган фармойишга биноан бюджетга тўланиши керак бўлган 20%ни алоҳида транзит ҳисобварағи (USDSUSP)га ўтказиши ва мемориал ордери (2 нусхада) расмийлаштиради.</p>
<p>АБТдаги қайдлар</p>	<p>Дебет 606606 USDSUSP01 (19997/29801)- БХҚМ билан WESTERN UNION ўртасида ўзаро ҳисобкитоблар учун БХҚМда хорижий валютадаги алоҳида шахсий ҳисобварақ ( 20% миқдорида)</p> <p>Кредит 606606 USDSUSP02 (19997/29801) - WU га ўтказмадан 20% (20%миқдорида)</p>
<p>Назоратчи</p>	<p>Бўлим бошлиғи</p>
<p>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</p>	<p>Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади</p>
<p>Структура № 4</p>	<p>БХҚМ пластик карточкалари бўйича тўловлар бухгалтерия ҳисоби бўлими</p>
<p>Мутахассис</p>	<p>Бўлим мутахассиси</p>
<p>АБТдаги қайдлар</p>	<p><i>Конвертация</i></p> <p>Дебет 606606 USDSUSP02 (19997/29801)-WU га ўтказмадан 20%</p> <p>Кредит 901167 USDTRAD01 (17101) – Позицион валюта ҳисобварағи</p> <p>Дебет 901167 UZSTRAD01 (17101) - Позицион сўм ҳисобварағи</p> <p>Кредит 606606 UZSSUSP01 (19997/29801) - WU га ўтказмадан 20%</p> <p><i>Бюджетга ўтказма</i></p> <p>Дебет 606606 UZSSUSP01 - WU га ўтказмадан 17%</p> <p>Кредит 108183 UZSNOST01 – БХҚМнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги вакиллик ҳисобварағи</p>
<p>Назоратчи</p>	<p>Бўлим бошлиғи</p>
<p>АБТдаги қайдларни муаллифлаштириш</p>	<p>Қайдлар назоратчи томонидан текширилиб, муаллифлаштирилганидан сўнг баланс сатрларида акс эттирилади</p>

#### **IV БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МЕХНАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ ВА БУ ЙЎНАЛИШДАГИ ИШЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.**

##### **4.1. Тижорат банкларида меҳнат хавфсизлиги таъминлаш ва бу йўналишдаги ишларни такомиллаштириш масалалари**

**Иш жойларига меҳнат шароитига талаблар.** Банк биноларини ёритиш икки турга бўлинади: табиий – қуёш нур асосидаги ва сунъий ёритилганлик. Касса, инкассация бўлмлари жойлашган биноларда иш жойининг ёритилганлиги 400 люксдан, ғазнахона (омборхона) поли юзаси 100 люксдан кам бўлмаган даражада ёритилиши зарур.

Банк биноларидаги иш жойларида йилнинг совуқ мавсумида ҳаво ҳарорати + 21 – 25 С даража, унинг ҳаракатланиш тезлиги 0,1 м/с ва нисбий намлик 60 – 40 % ни ташкил этиши зарур.

Банк биноларидаги иш жойларида йилнинг иссиқ мавсумида ҳаво ҳарорати + 22 – 26 С даража, унинг ҳаракатланиш тезлиги 0,1 – 0,2 м/с ва нисбий намлик 60 – 40 % ни ташкил этиши керак.

Банкларда товушнинг (шовкиннинг) рухсат этилган чегаравий даражалари куйидагича (СанПиН 0058):

Математик дастурчилар ва видеодисплей терминали операторлари ишлайдиган жойларда – 50 дБА дан ошмаслиги керак;

Компютер қурилмалари таъмирлаш ишларини амалга оширувчи ҳамда лаборатория текширувидан ўтказувчи муҳандис – техник ва ишчилар ишлайдиган жойларда – 60 дБА;

Ҳисоблаш машиналарининг шовкинли агрегатлари жойлашган иш жойларида (принтер ва бошқалар) – 75 дБА.

Компютер ва нусха кўпайтириш техника воситаларида ишловчи ҳар бир ходим иш жойи майдони - 6 м<sup>2</sup>, ҳажми – 20 м<sup>3</sup> дан кам бўлмаслиги зарур. Бир неча компютер ва нусха кўпайтириш техника воситаларидан иборат иш жойларини ташкил қилишда кўшни иш жойларида ишловчилар меҳнатини муҳоваза қилиш учун иш столлари шундай жойлаштирилиши керакки, бир дисплейнинг орқа томони билан кейинги қатордагисининг экрани орасидаги масофа камида 2 метр, ёнма – ён турган иш жойлари дисплей корпуслари орасидаги масофа эса камида 1,2 метр бўлиши шарт (СанПиН 0100-00).

Компютер ва ташкилий техника жойлашган хоналар тебраниш таъсиридан ҳоли, тебраниш манбаи бўлган хоналар билан ёнма – ён бўлмаслиги лозим. Видеомонитор экрани ишловчининг кўзи учун энг зарарсиз масофада, яъни 500 мм дан яқин бўлмаслиги зарур (энг қулай масофа 600 – 700 мм). Компютерлар хонада шундай жойлаштирилиши керакки, видеомониторларнинг орқа ва ён тарафларига ходимлари 500 мм яқин масофага келишига йўл қўйилмайди (СанПиН 0100-00).

**Санитария – маиший хизмат хоналарига талаблар.** Банк бўлинмалари биноларида турли хизмат кўрсатиш хоналари: ошхона, тиббий хизмат, хожатхона, аёллар шахсий гигиена хоналари ва бошқалари бўлиши керак.

200 нафардан ортиқ ходими бўлган банкларда одатда ошхона, 200 нафаргача ишловчилар бўлган банкларда эса, овқат тарқатадиган ошхона, ёки тамаддихона, ёки кафетерий бўлиши режалаштирилади. Ишловчилар сони 30 нафардан ошмаган банкларда овқатланиш хонаси бўлиши зарур. Овқатланиш хонаси қўл ювгич, стационар сув қайнатгич, электр плита, совутгич билан жиҳозланган бўлиши керак. Ходимлар сони 10 кишидан кам бўлган банк бўлинмаларида овқатланиш хонаси ўрнига кийимхона ёки ходимлар хонасида майдони 6 м<sup>2</sup> бўлган овқатланиш хонаси ташкил этилади.

Рўйхат бўйича ишловчилар сони 50 дан 300 нафаргача бўлган банк бўлинмаларида иссиқ сув ва совуқ сув, тегишли жиҳозлар билан таъминланган тиббий пунктлар ташкил қилиниши лозим.

Банк бўлинмаларида ишлайдиган ҳар 75 нафар аёл учун битта шахсий гигиена хонаси бўлиши зарур. Бундай хоналар хожатхона билан ёнма-ён, умумий тамбурли қилиб жойлаштирилади. Хоналарда ечиниш жойлари ва қўл ювгичлар бўлиши керак.

Кўп қаватли банк биноларида ҳожатхона ҳар қаватда бўлиши зарур. Ишловчилари 30 ва ундан кам бўлган икки қаватли бўлинмаларда бита ҳожатхона ажратилиб, у ишловчилари кўпроқ бўлган қаватда жойлаштирилади. Ишловчилар 15 нафардан ошмаса, умумий ҳожатхона режалаштирилади.

### **Ш БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ХАЛҚАРО ХИСОБ – КИТОБ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.**

3.1. Банклар фаолиятида юзага келадиган валютавий ҳисоб – китобларга оид рискларни бартараф қилиш йўллари

Биринчи навбатда тадқиқ қилинаётган мавзуга оид бўлган асосий тушунчаларни аниқлашга ҳаракат қиламиз. Бундан тушунчаларнинг биринчиси ҳолатлар жамламаси сифатида таърифланадиган вазият (ситуация) дир. Одатда, исталган вазият маълум вақт оралиғида ривожланиши асосида кўриб чиқилади. Вазият воқеликда ёки фақат лойиҳада бўлиши мумкин.

Вазият баъзи шахсларнинг ҳатти – ҳаракати натижасида юзага келиши мумкин, бундай ҳолатда уларни вазиятни яратувчилар деб номлаймиз.

Вазиятнинг иштирокчиси – ушбу вазият у учун аҳамиятли, муҳим бўлган субъект.

Вазиятнинг иштирокчиларини фаол ва пассив иштирокчилар тариқасида гуруҳлашимиз мумкин.

Фаол иштирокчилар ўз қарорлари ва ҳатти – ҳаракатлари билан вазиятнинг ривожланишига таъсир ўтказди ва ушбу ривожланиш оқибатларини ўз зиммаларига олишади. Пассив иштирокчилар ўз зиммасига фақатгина оқибатларни олишади.

Кузатувчи – вазият билан қизиқаётган субъект. У вазиятнинг мавжуд ҳолати ва ривожланиш перспективаларини аниқлаб олиш учун эътибор қаратади, ўз вақти ва бошқа ресурсларини сарфлайди. Кузатувчи ўз ихтиёрида мавжуд бўлган маълумотлар асосида вазиятнинг ривожланиш вариантларини аниқлайди, юзага келиш эҳтимолини баҳолайди ва таҳлил қилиш орқали у ёки бу иштирокчи учун у ёки бу вариант самарали ёки самарасиз бўлишини аниқлайди. Кузатувчи ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда вазиятни баҳолаш билан шуғулланади. Унинг мақсади, масалан вазиятнинг ривожланишига таъсир ўтказувчи қарорларни қабул қилиш ёки шундай қарорларни қабул қилиш учун ўзга шахсларга тавсияномаларнинг берилиши бўлиши мумкин.

Кузатувчи ва иштирокчи кўпчилик ҳолатларда бир шахс бўлади.

Вазият, гарчи унинг ривожланиши кузатувчига ноаниқ бўлса, хусусан бундай ривожланишнинг эҳтимолий вариантлари ичида иштирокчи учун ноқўлай оқибатларга олиб келувчи вариантлар мавжуд бўлса, рискли деб номланади. Бундай ҳолат шунингдек, вазият рисклар билан боғлиқ ҳам деб айтилади.

Шу ўринда қайд қилиш керакки, банк ишига бағишланган ишларнинг баъзи бирларида фикримизнинг тасдиғини кўришимиз мумкин. Масалан, «банк rischi – банк томонидан қарор бошқарув ва қабул қилишда ишлатиладиган маълумотларнинг ноаниқлиги оқибатида юзага келадиган вазият» (Банковское дело. Учебник / под редакцией проф. Г.Г.Коробовой/ М.: Экономистъ. 2006 г.). «Риск – жараёнлар, воқеа амалга ошириши ва режалаштирилган натижа беришининг шубҳа (100 фоизлик ишонч билан башоратлаш мумкин эмаслиги) остига олиниши...» (Основы банковского дела. Учебное пособие / под редакцией проф К.Р.Тагербекова. М.: «Весь мир» 2003 г.). «Риск – бу баъзи исталмаган воқеликнинг амалга оширилиши эҳтимолидир» (Финансовый менеджмент. Ю.Бригхэм, Л.Гапенски. Полный курс в 2 т.: Пер. с англ. Под. ред. В.В.Ковалева. СПб.: Экономическая школа, 1997 г. Т.1.). «Риск – бу ноқулай воқеанинг юзага келиши эҳтимолидир». «Риск – бу ноаниқлик шароитида у ёки бу фаолият натижасининг ноқулай бўлиши эҳтимолидир» (Валютные rischi: методы оценки и управления. Т.В.Струченкова. Учебное пособие. М.: Финансовая академия. 2003 г.). «Риск

– негатив оқибатга эга бўлган воқеанинг пайдо бўлиши эҳтимоли» (Финансово – кредитний словарь / под общей редакцией проф. А.Г.Грязновой. М.: Финансы и статистика. 2002 г.).

Албатта бу масалага ўзгача ёндашувнинг мавжудлигини эътиборга олишимиз шарт ва керак. Масалан, В.И.Тарасовнинг фикрича «Банк рисклари моҳиятан зарар (йўқотишлар)га олиб келиши мумкин бўлган воқеанинг қиймат ўлчовидир» (Деньги, кредит и банки. В.И.Тарасов. Учебное пособие. Мн.: Масанта. 2003 г.).

Вазият ривожланишининг ноаниқлиги, кузатувчи уни башоратлай олмаслиги, яъни олдиндан келгусида нима бўлишини билаолмаслигини англатади.

Шундай қилиб, аниқланиши мумкин бўлмаган ривожланишга эга, барча вариантлар ичида иштирокчи (иштирокчилар) ва кузатувчи учун ноқулай оқибатларни келтирувчи вариантлари бўлган вазият мавжуд бўлсагина рисклар тўғрисида фикрлаш мумкин.

Молиявий ва валюта бозорларида кузатилаётган ўзгаришлар пайтида кредит ташкилотлари ўз фаолиятида турли баҳо кўрсаткичларининг ўзгаришлари оқибатида юзага келадиган (банк хусусий рискларидар бири ҳисобланган) молиявий рискларга дуч келишади. Улар жумласига фоиз ставкалари, валюта курслари ва х.к.ларни киритиш мумкин.

Юқорида кўрсатилган рисклар умумлаштирилган ҳолатда бозор (ёки баҳо) рисклари деб номланиши мумкин, негаки базавий актив сифатида нима чиқишидан қатъий назар, шартнома асосидаги тегишли актив (валюта ва х.к.) баҳосининг ўзгариши натижасида риск юзага келади.

Баҳо рисклари ўзига хос бўлган спецификага эга: ўзга рисклардан фаркли равишда икки томонлама (спекулятив) дир, яъни банк учун негатив (ноқулай) ёки позитив (қулай) молиявий натижа бериши мумкин, чунки базавий актив молиявий баҳосининг кутилаётган кўрсаткичдан фарқланиши ноқулай томонга ўзгариши шарт эмас. Ҳақиқатда, активнинг молиявий нархи маълум бир томонга қараб ўзгармаса, қулай ўзгаришларнинг юза келиши ёки ноқулай ўзгаришнинг бўлиши эҳтимолини кузатиш мумкин.

Кўпчилик молиявий – иқтисодий манбаларда (юқорида келтирилган илмий ишларга қаралсин) валютавий рисклар фақат негатив ҳолат сифатида кўриб чиқилади ва қуйидагича (умумлаштирилган тарзда) таснифланади:

- валютавий риск – кредит келишуви ёки ташқи савдо контрактини имзолаш ва амалга ошириш даври давомида валюта курсларининг ўзгариши натижасида валютавий йўқотишлар хатари;

- валютавий риск – бозор омиллари таъсирида қарор қабул шахслар томонидан кутилаётган кўрсаткичларга валюта кўрсаткичларининг мос келмай қолиши эҳтимолидир;

- валютавий риск – валютавий курсларнинг тебраниши натижасида хорижий валюталарда операцияларни амалга оширишдан пул маблағларининг йўқотилиши эҳтимолидир.

Фикримизча, валютавий риск тушунчасини бундай талқин қилиш баҳоо рискларига оид бўлган бутун спецификани акс эттирмайди. Чунки валюта курслари турли томонларга қараб ўзгариши мумкин, бунга мос ҳолда валютавий риск натижасига кутилмаган зарар ёки фойда олиниши мумкин. Демак, мантиқан олганда валютавий рискларнинг таъсиридан (натижасидан) келиб чиққан ҳолда уни уч шаклда гуруҳлашимиз мумкин:

- позитив риск;

- нейтрал риск;

- негатив риск.

Позитив риск – валюта курсларининг қулай томонга ўзгариши натижасида банк кўшимча олдиндан башоратланмаган фойда олиниши мумкинлигини билдиради.

Нейтрал риск пайтида валюта курсларининг ўзгариши даромад ёки зарар келтирмайди, яъни ҳақиқий курс кутилаётган курс билан бир хил даражада бўлади.

Негатив риск – валюта курсларининг ноқулай ўзгариши тегишли очиқ валюта позициялар бўйича зарар келтириши мумкинлигини англатади.

Гарчи биз фақат валюта курсларининг негатив ўзгаришигина банкга зарар етказиши мумкинлиги инобатга олинсак, унда валютавий рискни зарар манбаси сифатида идентификациялаш (ёндашиш) моҳиятан тўғри бўлади.

Рискларнинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда валютавий рискларни қуйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

Бошқарувнинг дастлабки босқичида – валютавий рисклар танланган валютавий рискни бошқариш стратегияси амалга ошириш харажатлари ҳажмидир, бошқарувнинг якуний босқичида – валюта курсларининг кутилмаган ўзгаришларини сифат (йўналиш) ва миқдорий баҳолаш кўрсааткичидир.

Валюта курсининг сифат характеристикасини (позитив, нейтрал ёки негатив) тегишли рискнинг миқдорий параметрини аниқлашни тақозо қилади.

Фақатгина риск даражаси аниқлангандан сўнггина, банк, молия менежментининг умумий стратегиясига мос келувчи валюта рискни бошқаришнинг у ёки бу усулини танлаши мумкин.

Рискни стандарт фаркланиш (ўзгариш) сифатида идентификация қилиш молиявий йўналишидаги диярли барча илмий ишларда учрайди. Аммо стандарт фаркланиш фақатгина қулай ёки ноқулай кўрсаткичга эга бўлмайди – у кутилаётган кўрсаткичдан умумий фаркланишни танифлайди. Бунда кутилаётган кўрсаткични ҳисоб – китоб қилиш валюта рискларини бошқариш соҳаси ниҳоятда катта аҳамият касб қилиши алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Гарчи прогнозлаш имкониятлари инобатга олинмаса, риск соҳасига валюта курсининг исталган ўзгаришини, яъни валюта курсининг мавжуд даражаси ва келгусида юзага келадиган ҳақиқий кўрсаткич миқдори ўртасидаги бутун фаркланишни, киритиш мумкин.

#### Хулоса.

Халқаро ҳисоб-китоблардаги ўзгартиришларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларнинг янада такомиллашиб бориши товар ишлаб чиқариш ва муомала жараёнининг ривожланиши ҳамда байналмилаллашуви билан боғлиқдир. Товарларни ишлаб чиқариш ва уларни сотиш даврларининг ўзаро мувофиқ келмаслиги ҳамда истеъмол бозорларининг узоқлиги туфайли, халқаро муомаладаги қийматлар ҳаракатининг нисбатан мустақил бўлиб қолган шакли халқаро ҳисоб-китобларда ўз аксини топади. Халқаро ҳисоб-китоблар товарлар ва хизматлар билан ташқи савдо ҳамда нотижорат операциялар, кредитлар ва мамлакатлараро капиталлар ҳаракати бўйича ҳисоб-китобларни қамраб олади.

Халқаро ҳисоб-китоблар – турли мамлакатлар фуқаролари ва юридик шахслари орасида иқтисодий, сиёсий ва маданий муносабатлар туфайли вужудга келадиган пул талаблари ва мажбуриятлар бўйича тўловларни мувофиқлаштиришдир. Халқаро ҳисоб-китоблар бир томондан, амалиётда шаклланган ва халқаро ҳужжатлар ҳамда удумлар билан мустаҳкамланган тўловларни амалга ошириш шартлари ва тартибини, иккинчи томондан, ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириш юзасидан кунлик амалий фаолиятни ўз ичига олади. Ҳисоб-китобларнинг энг катта ҳажми банк ҳисобварақларида ёзувларни амалга ошириш орқали нақдсиз пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Бунда, жаҳоннинг энг йирик банклари халқаро ҳисоб-китобларда етакчилик ролини ўйнайди. Мазкур банкларнинг халқаро ҳисоб-китобларга бўлган таъсир даражаси улар жойлашган мамлакат ташқи иқтисодий алоқалари, миллий валютасининг ишлатилиш масштаблари, ихтисослашганлиги, молиявий аҳволи, ишбилармонлик мавқеи, вакил-банклар тизимида бевосита боғлиқдир.

Банклар, ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун ўзларининг хорижий бўлимлари ва хорижий банклар билан ўрнатилган вакиллик муносабатларидан фойдаланадилар. Хорижий банклар билан вакиллик муносабатлари ўрнатилганда “лоро” (хорижий банкларнинг мазкур банкда очган ҳисобварағи) ва “ностро” (мазкур банкнинг хорижий банкларда очган ҳисобварағи) ҳисобварақлари очилади. Вакиллик муносабатлари ҳисоб-китоблар тартиби, воситачилик ҳақининг ҳажми, ишлатилиб бўлинган маблағларни

тўлатиш услубларини белгилаб беради. Халқаро ҳисоб-китобларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш учун банклар одатда қутилаётган тўловларнинг таркибий тузилиши ва муддатларига мувофиқ равишда зарур бўлган ва турли валюталарда ифодаланган валюта позицияларини таъминлаб турадилар ва ўз валюта захираларини диверсификациялаш сиёсатини ўтказадилар. Банклар, нисбатан юқори фойда олиш мақсадида ўз валюта активларини жаҳон ссуда капиталлари бозорида, шу жумладан евробозорда жойлаштиришни афзал кўрган ҳолда “ностро” ҳисобварақларидаги минимал қолдиқларни таъминлашга ҳаракат қиладилар.

Халқаро ҳисоб-китоблар борасидаги банклар фаолияти бир томондан, миллий қонунчилик билан мувофиқлаштирилади, бошқа томондан эса – ўрнатилган қоидалар ва удумлар ёки алоҳида ҳужжатлар билан мустаҳкамланган кўринишда мавжуд бўлган, шаклланган амалиёт билан белгиланади.

Халқаро ҳисоб-китобларда асосан миллий валюталарнинг ишлатилиши улардан фойдаланиш самарадорлигини курс тебранишлари ҳамда ушбу валюталар эмитентлари бўлмиш мамлакатларнинг иқтисодий ва валюта сиёсатига боғлиқлигини кучайтиради. Халқаро ҳисоб-китобларнинг ҳолати бир қатор омилларга боғлиқдир: мамлакатлар орасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатлар; валюта қонунчилиги; халқаро савдо қоидалари ва удумлари; банк амалиётлари; ташқи савдо шартномалари ва кредит битимларининг шартлари.

Ташқи иқтисодий битимларнинг валюта-молиявий ва тўлов шартлари. Халқаро савдо шартномалари бўйича ҳисоб-китоблар ўта мураккаб бўлиб, банк ходимларининг юқори малакага эга бўлишлилигини талаб этади. Тўлов олинишининг тезлиги ва кафолати ҳамда банклар орқали операциялар ўтказишнинг харажатлар суммаси ҳисоб-китоблар шакллари ва шартларининг танловига боғлиқдир. Шу сабабли, ташқи савдо бўйича ҳамкорлар музокаралар борасида тўлов шартларининг унсурларини келишиб олади ва сўнг ушбу шартларни шартномага киритиб, расмийлаштиради. Шартномаларнинг валюта-молиявий ва тўлов шартлари тузилаётган пайтда экспортёр манфаатларини импортёр манфаатларига тескари эканлиги одатда кўзга ташланади. Бунда, экспортёр валютанинг максимал суммасига ниҳоятда қисқа вақт ичида эга бўлишни хоҳлайди, импортёр эса аксинча иложи борича кам миқдордаги валюта ҳажмини тўлаш, товарлар олинишини тезлаштириш ҳамда мазкур товарлар тўла сотилгунга қадар тўлов муддатини иложи борича кечиктиришдан манфаатдордир. Битимларнинг валюта-молиявий ва тўлов шартларини танланишига мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва сиёсий муносабатларнинг характери, контрагентлар кучларининг ўзаро нисбати, уларнинг ушбу соҳадаги малакасига ҳамда мазкур товар билан савдонинг аънаналари ва удумларига боғлиқдир. Ҳукуматлараро келишувлар ҳисоб-китобларнинг умумий тамойилларини белгилайди, ташқи савдо шартномаларда эса ушбу ҳисоб-китоблар амалга оширилишининг батафсил шартлари кўрсатилади. Мазкур шартлар қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олади: баҳо валютаси; тўлов валютаси; тўлов шартлари; тўлов воситалари; ҳисоб-китоб шакллари ҳамда ушбу ҳисоб-китобларни амалга оширадиган банклар.

Баҳо валютаси ва тўлов валютаси. Баҳо валютаси ва тўлов валютаси танловига (баҳо даражаси, кредит бўйича фоиз ставкаси катта-кичиклигидан фарқли ўлароқ) маълум бир даражада битимнинг валюта самарадорлиги боғлиқдир. Экспорт ва импорт шартнома баҳолари турличадир, ҳамда улар ушбу шартномаларга киритиладиган товарларнинг экспортёрдан импортёрга етказилиши билан боғлиқ (экспортёр-мамлакат омборида сақланиши, портгача бўлган йўл ва портдаги сақланиш, чет элдаги йўл, хориждаги омбор ҳамда импортёрга товарларни етказиш харажатлари) қўшимча харажатларга боғлиқдир. Товарлар баҳоларини аниқлашнинг қуйидаги беш асосий тамойили мавжуд:

1. Шартномани тузаётган пайтда баҳоларнинг қатъий белгиланиши ҳамда ушбу шартнома ижроси мобайнида белгиланган баҳолар ўзгармаслиги. Ушбу услуб жаҳон бозорида баҳоларнинг пасайиши тенденцияси мавжуд бўлган пайтда қўлланилади.

2. Шартномага имзо қўйилаётган пайтда баҳони (товар етказилиш кунига бўлган у ёки бу товар бозорининг котировкалари асосида) белгилаш тамойили қайд этилади, баҳонинг ўзи эса битимнинг ижроси мобайнида белгиланади. Ушбу услуб бозор баҳоларининг кўтарилиши тенденциясида одатда қўлланилади.

3. Шартнома тузилаётган пайтда баҳо қатъий белгиланади, аммо бозор баҳоси шартномадаги баҳога нисбатан, айтайлик, 5%дан ошиқроқ ҳажмга ўзгарса, у ўзгариши мумкин.

4. Харажатларни ташкил этувчи элементлар ҳажмининг ўзгаришига боғлиқ бўлган сирпанувчан баҳо. Масалан, жиҳоз (асбоб-ускуна)лар етказиб берилишига буюртма берилганда. Юқори конъюнктура шароитларида буюртмачи манфаатларида чекловлар киритилади (баҳо ўзгаришининг умумий чегараси ёки баҳо “сирпаниши”ни харажатларнинг бир қисмига ва қисқа муддатга тарқалишини).

5. Аралаш шакли: баҳонинг бир қисми қатъий белгиланади, бир қисми эса сирпанувчан шаклда ўрнатилади.

Баҳо валютаси – бу, товарга бўлган баҳо ифодаланадиган валютадир. Товарнинг баҳоси қатъий белгиланадиган валютани танлашда товарнинг тури ва юқорида айтиб ўтилган халқаро ҳисоб-китобларга таъсир этувчи омиллар, айниқса ҳукуматлараро келишувларнинг шартлари ва халқаро удумлар катта аҳамият касб этади. Баъзида шартноманинг баҳоси, валюта хавф-хатарларини суғурталаш мақсадида, бир нечта (икки ва ундан кўп) валютада ёки стандарт (СДР, ЭКЮ- 1999 йилда “евро”га ўзгартирилган) валюта саватида кўрсатилади.

Тўлов валютаси – бу, импортёр (ёки қарз олувчи) мажбуриятлари сўндирилиши керак бўлган валютадир. Валюта курсининг барқарорсизлиги шароитида баҳолар нисбатан барқарор бўлган валютада, тўлов эса одатда импортёр-мамлакат валютасида белгиланади. Агарда баҳо валютаси ва тўлов валютаси ўзаро мувофиқ келмаса, унда шартномада бир валютани иккинчи валютага қайта ҳисобланиш курси ўзаро келишилади (ёки ХВФ СДР негизида қайд этиладиган паритети, ёки валюталарнинг бозор курси бўйича). Шартномада қайта ҳисобланиш шартлари белгиланади: 1)маълум бир турдаги тўлов воситасининг курси – траттасиз тўловлар бўйича телеграф пул ўтказмаси ёки кредит билан боғлиқ ҳисоб-китоблар бўйича векселни; 2)маълум бир валюта бозорида (сотувчи, сотиб олувчи ёки учинчи тарафнинг) тузатиш ва мувофиқлаштиришлар вақти аниқлаб олинади (масалан, тўлов амалга оширилишидан бир кун аввал ёки тўлов куни); 3)қайта ҳисоблаш амалга ошириладиган курс келишиб олинади: одатда ўртача курс, баъзида валюта бозорининг очилишига, ёпилишига бўлган сотувчи ёки сотиб олувчи курслари, ёки куннинг ўртача курси.

Баҳо ва тўлов валюталарининг ўзаро мувофиқ келмаслиги – бу, валюта таваккалчилигини суғурта қилишнинг энг одий услубларидан биридир. Агарда баҳо валютасининг курси (масалан АҚШ долларининг) пасайган бўлса, унда тўлов суммаси (француз франкларида) пропорционал равишда камаяди ва аксинча. Баҳо валютаси курсининг пасайиши хавф-хатари экспортёр (кредитор) зиммасига, унинг кўтарилиш хатари эса импортёр зиммасига тушади.

Тўлов шартлари – ташқи иқтисодий битимларнинг муҳим элементиدير. Уларнинг ичида қуйидагилар фарқланади: нақдли тўловлар, кредит тақдим этилиши билан ҳисоб-китоблар, нақдли тўлов бўйича опционли кредит (танлов ҳуқуқи билан).

Ҳисоб-китоблар шартларининг альтернатив шакли бу нақдли тўловнинг опционли кредитидир. Агарда импортёр сотиб олинган товар учун тўловни кечиктириш ҳуқуқидан фойдаланса, унда у нақдли тўловда тақдим этиладиган дисконт (скидка)дан маҳрум бўлади. Ҳисоб-китоблар халқаро муомалада ишлатиладиган турли хил тўлов воситалари – векселлар, тўлов топшириқномалари, банк ўтказмалари (почта ва телеграф), чеклар, пластик карточкалари ёрдамида амалга оширилади. Хорижий инструментлар (Foreign items, ингл.) – бошқа мамлакатда депонирланган ҳамда ушбу мамлакатда тўланиши лозим бўлган чеклар, векселлар (оддий ва ўтказиладиган) ва муомаланинг бошқа кредит

воситалари. Шартнома тўлов шартларининг энг мураккаб қисми бўлиб, ҳисоб-китоб турини танлаш ҳамда ушбу ҳисоб-китобларни амалга ошириш йўлларини шакллантириб, изоҳлаш ҳисобланади. Контрагентларнинг бир-бирига қарама-қарши бўлган манфаатларини халқаро иқтисодий муносабатларда ўзаро боғлаш ва уларнинг тўлов муносабатларини ташкил этиш, ҳисоб-китобларнинг турли шаклларида фойдаланиш орқали амалга оширилади.